

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“БАНК ИШИ ВА КОРПОРАТИВ МОЛИЯЛАР” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛАДИ”

Кафедра мудири _____ проф. Н.Ғ. Каримов
“ _____ ” _____ 2012й.

Тижорат банклари фаолиятида кредит сиёсати ва уни банк кредит портфелини бошқаришдаги аҳамияти (“Агробанк” очик акциядорлик-тижорат банки мисолида) мавзуси бўйича ёзилган.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«Ҳимояга рухсат этилади»

Илмий раҳбар

и.ф.н. Алимов И.

“ _____ ” _____ 2012й.

Бажарди: “Банк иши”

йўналиши 4 – курс талабаси

Бийтураев А.Ғ.

Битирув малакавий иши дастлабки ҳимоядан ўтганлиги 2012йил
“ _____ ” майдаги _____ - сонли баённома билан расмийлаштирилган

Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.	3
I.Боб. Тижорат банклари кредит сиёсатининг назарий ва ҳуқуқий асослари.	
1.1 Тижорат банклари кредит сиёсатининг мазмуни ва моҳияти.	7
1.2 Тижорат банклари кредит сиёсатининг ҳуқуқий асослари.	18
II.Боб. Тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришда банк кредит сиёсати ва унинг жорий ҳолати таҳлили.	
2.1 Очiq акциядорлик тижорат “Агробанк”нинг кредит сиёсати.	25
2.2 Очiq акциядорлик тижорат “Агробанк” кредит портфелининг жорий ҳолати таҳлили.	35
2.3 Тижорат банкларининг кредит сиёсати ва кредит портфелига таъсир этувчи омиллар.	45
III.Боб. Тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш унинг муаммолари ва бартараф этиш йўллари.	
3.1 Тижорат банклари кредит портфелини соғломлаштириш орқали банклар даромадини оширишда хориж тажрибаси.	60
3.2 Тижорат банклари кредит портфелини самарали бошқаришни такомиллаштириш йўллари.	67
Хулоса ва таклифлар.	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	77

Кириш

Мавзунинг долзарблиги.Бозор иқтисодиётининг хозирги даврида иқтисодий инфратузилманинг барча тармоқлари сингари молия банк тизимида ҳам туб ислохотларни амалга ошириш,уларнинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва ривожлантиришни устувор вазифаларини бажаришга бўлган талабни янада кучайтирмоқда дейиш мумкин.Чунки хар қандай иқтисодий фаолиятнинг пировард мақсади даромад топиш экан, барча молиявий муасасалар каби тижорат банклари ҳам бунга интилади. Тижорат банкларининг энг юқори даромад келтирувчи ва шунинг билан бирга рисклилиқ даражаси бошқаларга нисбатан юқори бўлган оператцияси бу кредит оператцияси хисобланади.

Тижорат банклари юқори даромад олиш мақсадида маълум сохага ажратган кредитлари таваккалчилика асосланади.Чунки молиявий барқарор ва кредит олиш қобилияти юқори бўлган мижозларнинг ўзлари ҳам маълум бир таваккалчилик асосида фаолият юритади.Бугун молиявий барқарор бўлган корхона ва ташкилотлар банк томонидан кредит берилгандан сўнг банкротлик ҳолатига тушиб қолмаслигига ҳеч ким қафолат бермайди,натижада улар банкдан олган кредитини қисман ёки тўлиқ қайтариш имкониятига эга бўлмасдан тижорат банклари кредит портфелининг ҳолати салбий тарафга ўзгаришга олиб келиши мумкин. Шунинг учун тижорат банклари кредит рискларини бошқариш, бунинг учун эса кредит оператцияси бўйича юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўра билиши ва бу муаммоларни ҳал қилиш чораларини излаши лозим.Бу албатта тижорат банкларининг кредит сиёсатини чуқур ўрганиш ва мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришни тақазо этади.Кредит сиёсатини илмий ва амалий жихатдан ўрганиш ва банкнинг кредитлаш амалиётига ижобий тасир қиладиган кредит сиёсатини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан биттаси хисобланади. Барча иқтисодий ҳолат ва рискка тортувчи омилларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган кредит сиёсати банкнинг кредит портфелини самарали

бошқаришда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки ҳозирги кунда Республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг кредит сиёсати мукаммал ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга тадбиқ этилганлиги оқибатида уларнинг кредитлаш амалиёти йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Тижорат банклари фаолиятига алоҳида эътибор қаратган мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: “Тижорат банкларининг инвестицион фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғи уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман сўнгги уч йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробарга ошганини алоҳида қайд этиш лозим деб ўйлайман.” -дея таъкидлаб ўтдилар¹. Бу ҳозирги кунда мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятига хусусан уларнинг кредит фаолиятига юксак эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Бунинг натижасида банкларимиз кредит портфели таркибий жihatдан кенгайиб, миқдорларга банк хизматлари кўрсатиш кўлами ортиб бормоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида муҳим ҳужжат саналган кредит сиёсатини такомиллаштириш ва бунинг натижасида кредит портфелини самарали бошқариш мавзусида бир қатор самарали ишлар амалга оширилган. Жумладан кредит сиёсатини мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар ва соҳага таъсир қилувчи рискларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижасида қатор изланишлар самараси ўлароқ илмий мақолалар чоп этилган. Тижорат банкларининг кредит сиёсати ва кредит портфелини шакллантиришга оид муаммолар хорижлик Астахов А.В., Балабанов Н.Т., Жуков Е.Ф., Лаврушин

¹И.А.Каримов.2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.Т.: “Ўзбекистон”,20.02.2012й,

О.И.,Ларионова И.В.,Мамонова И.Д., Ольхова Р.Г., Ольшанный А.И., Коттер Р., Колычев Л.И.,Севрук В.Т.,Соколинская Н.Э., Спицин И.О., Сухов М.М., Стоянова Е.С., Усоскин В.М., Панова Г.С., Портер Р.С.,ва миллий иқтисодчи олим ҳамда мутахассисларимиз Абдуллаев Ё.А., Абдуллаева Ш.З., Бобоқулов Т.И., Иминов О.К., Муллажонов Ф.М., Нурмуродов М.Б.,Норқобилов С.Х.. Олимжонов О.О.,Тошмуродов Ш.М., Каримов Н.Ф., Қодиров А.Қ., Қоралиев Т.М., Холмахмадов З.А. ва бошқаларнинг мақола ва илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари.Мазкур битирув малакавий ишининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларининг кредит сиёсати ва унинг банк кредит портфелини бошқаришдаги ролини таҳлил қилган ҳолда,ҳозирги иқтисодий вазиятни инобатга олиб кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелини самарали бошқариш бўйича яхлит барқарор тизимини ишлаб чиқиш.

Ишнинг вазифалари:

- Тижорат банклари кредит сиёсати билан боғлиқ мавжуд адабиётларни чуқур ўрганган ҳолда, унинг мазмун ва моҳияти билан танишиш.Ҳамда ушбу кредит сиёсатининг банк муасасалари кредит портфелини шакиллантиришдаги ролини чуқур таҳлил қилиш.
- Ҳозирги кунда мамлакатимизда тижорат банкларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қандай ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилиши ва унинг кредит портфелини шакиллантиришдаги ролини илмий асослаб бериш.
- ОАТ “Агробанк”нинг кредит сиёсатига асосан кредит кўйилмаларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши ва кредитлаш ҳажмининг йиллик ўсиш динамикасини таҳлил қилган ҳолда банк фаёолиятига умумий хулоса бериш .

- Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида ва кредит портфелини самарали бошқаришда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганиш, ва мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича изланишларни амалга ошириш.
- Тижорат банкининг кредит портфелини самарали бошқариш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқариш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш самарадорлигини келтириб ўтиш ва бу борада зарурий кўрсатмалар бериш.

Ишнинг объекти. Мазкур битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти бўлиб ОАТ “Агробанк”нинг кредит сиёсати ва ушбу кредит сиёсатига асосан, кредит портфелидаги мижозларга ажратилган кредитларнинг умумий тахлили ҳисобланади.

Ишнинг предмети. Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган кредит операциялари ва ушбу операцияларни рисклилиқ даражасини камайтирган ҳолда, кредит портфелини самарали бошқариш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида орттирилган тажрибага асосан, кредитлаш амалиёти билан боғлиқ илмий амалий таклифлар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва кредит портфелини бошқариш жараёнида қўлланилиши мумкин. Шунингдек иқтисодий йўналишдаги таълим муасасалари томонидан жумладан иниститут ва унверситет ҳамда бошқа таълим муасасаларининг “Банк иши”, “Пул кредит ва банклар” фанларини ўқитишда илмий амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишининг таркибий тузилмаси. Битирув малаккавий иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I- Боб.Тижорат банклари кредит сиёсатининг назарий ва ҳуқуқий асослари.

1.1. Тижорат банклари кредит сиёсатининг мазмуни ва моҳияти.

Хар қандай давлатда тижорат банклари миллий банк тизими иқтисодиётнинг юраги қон томири сифатида қаралади.Юрак ва қон томирнинг тўла қонли фаолияти эса, хар қандай организмнинг тириклик манбаи ҳисобланади.Худди шунингдек банк тизимини янада эркинлаштириш ёки капиталлашув даражасини ошириш ҳам нафақат бир иқтисодий тизимнинг ривожланишига балки,жамият ва мамлакат аҳолиси фаровонлигининг ошишига, пировардида оддий бир фуқаронинг турмуш шароити тарзининг яхшиланишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётнинг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланган, банк тизимини ислох қилишда жаҳон андозаларига мос келувчи икки бўғинли замонавий банк тизимини босқичма – босқич яратишга асосий эътибор қаратилди.Миллий банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига асосан тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини фаоллаштириш ва кучайтириш мақсадида тижорат банклари фаолияти унверсаллаштирилди.Натижада улар банк фаолиятини кенг миқёсда амалга оширишлари учун мавжуд имкониятлар яратилди.Маълумки тижорат банклари асосий фаолиятининг пировард мақсади бу даромад топиш ҳисобланади. Тижорат банклари ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида пассив операциялар актив ссуда операциялари банк хизматлари ва воситачилик операциялари ҳамда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операцияларини амалга оширади.Шу ўринда ушбу операциялар таркибига озгина тўхталиб уларга таъриф бериб ўтсак жумладан: пассив операциялар банкка ресурс жалб қилиш билан боғлиқ операциялар бўлиб, уларнинг таркибига депозит операциялари, қимматли қоғозлар бўйича операциялар ва бошқа

оператциялар кирса, актив операциялар таркибига касса операциялари, валюта операциялари, қимматли қоғозлар билан операциялар, ҳамда кредит операциялари киради.Шубхасиз ушбу операциялар ичида энг йириги ва банкка юқори даромад келтирувчи операция бу кредит операциясидир.Бундан ташқари тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар нафақат банкнинг даромадларини ошириш балки иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутиши билан ажралиб туради. Чунки банк томонидан ажратилган кредитлар туфайли янги корхоналар ташкил қилинади ва бу албатта янги ишчиларга бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлиб, аҳолининг бандлилик даражасининг ошишини таъминлайди. Ҳамда бир қатор устувор тармоқларни ривожлантириб мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот суратининг ортишига сабаб бўлади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига ажратилган кредитлар туфайли уларни замонавий техника ва технологияларга бўлган эҳтиёжи қопланиши оқибатида ишлаб чиқариш қуввати ортади, натижада мамлакатимизнинг ички бозори сифатли ва арзон маҳсулотлари билан бойитилиб аҳолининг озиқ овқат қийим кечак ва маиший қурилиш ҳамда бошқа маҳсулотларга бўлган талабини қондиришга амалий ёрдам беради. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати ортиши билан бир қаторда уларнинг экспорт салоҳияти ҳам кўтарилиб боради, натижада мамлакатга валюта оқимининг кучайишига сабаб бўлади.Бир сўз билан айтганда тижорат банкларининг кредит операцияси банк фаолиятида ҳам иқтисодиётда ҳам муҳим ўрин эгаллаши билан бошқа операциялардан ажралиб туради.Кредит операциялари даромад келтирувчи операция бўлиши билан бир қаторда энг рискка тортувчи операцияси ҳам ҳисобланади.Чунки банк томонидан ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилмаслиги ёки улар бўйича фоизларнинг вақтида тўланмаслиги оқибатида банкнинг молиявий ахволи ёмонлашиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг сусайиши, натижада мижозларнинг кредит маблағларига бўлган талабларининг қондирилмаслиги ёки кредитлар бўйича фоиз стафкаларининг кескин ортиши оқибатида иқтисодиётнинг ёмонлашуви

холатлари юзага келиши мумкин.2008 йилдаги дунёни ларзага келтирган “Жахон молиявий иқтисодий инқирози” нинг асосий сабабларидан бири айнан банк муасасалари томонидан берилган муддати ўтган ва муаммога айланган ипотека кредитлари эканлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра, бу жараённинг микёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлилиқ, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди.Буларнинг барчаси ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суъратларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди”². Шу сабабли тижорат банклари кредит қўйилмаларининг амалдаги ҳолатига баҳо бериш,уни тартибга солишни такомиллаштириш масаласини тадқиқ қилиш Республикамиз банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Барча тижорат банкларида кредит операцияларини амалга оширишда малум қоидалардан фойдаланилади. Жумладан тижорат банклари томонидан қабул қилинадиган кредит сиёсатидан. Хўш тижорат банкларининг кредит сиёсати ўзи нима ва у тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида қандай рол ўйнайди, мазкур саволга жавоб бериш учун кредит сиёсати ва уни тижорат банкларининг кредит операцияларини амалга ошириш жараёнида қандай рол ўйнаши ҳақида, қуйидагиларга асосланган ҳолда бир оз маълумот бериб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2000-йил 22-февралги “Тижорат банкларининг кредит сиёсатларига қўйилган

²Каримов.И.А.Жахон молиявий-иқтисодий инқирози.Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Тошкент.: Ўзбекистон-6.4.


талаблар тўғрисида”ги низомига асосан тижорат банкларининг кредит сиёсатида қуйидагича таъриф берилган.

“Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва усулларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Бундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки тижорат банкларининг кредит операцияларини амалга ошириш жараёнида кредит сиёсати муҳим ўрин тутди. Кредит сиёсатида тижорат банклари кредитлаш хизматларини қайси соҳаларга йўналтириши бу жараёнда қарз оловчи ва кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қарз оловчи томонидан банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлари ва бошқа кредитлаш амалиётига ҳос бўлган маълумотлар ва кўрсатмалар келтириб ўтилади. Банклар аълоҳида кредит ташкилоти сифатида (мустақил) иқтисодий сиёсий шарт-шароитлар банк қонунчилигининг ривожланиш даражаси банклар аро рақобат ҳамда банк инфратузилмасининг ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва уни амалга оширади. Тижорат банклари кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилади ва банк кенгаши томонидан тасдиқланади. Хар бир тижорат банки ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиши лозим. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк кенгаши ва бошқаруви аъзолари, банкнинг бошқа мансабдор шахсларига юклатилади. Кредит сиёсатининг тавсифи кредит портфелининг таркибига, банк ўз фаолиятини амалга ошираётган ҳудуднинг иқтисодиётига қараб аниқланади. Кредит стратегиясини шакллантиришда ва тегишли кредит сиёсатини тайёрлашда, банк ушбу омилларни ҳисобга олиши шарт. Банкнинг кредит сиёсати унинг жорий банк стратегияси ва иқтисодий ҳолатига мувофиқлигини таъминлаш учун банк кенгаши томонидан йилига камида бир марта тегишли йилнинг 1-февралигача бўлган муддатда қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. Барча тижорат банкларида

кредит сиёсатининг таркибий қисмлари алоҳида бўлимлардан иборат бўлади буни биз қуйида келтирилган 1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.

1-Расм

Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқиладиган кредит сиёсатининг таркибий қисмлари³



³Иқтисодий адабиётларда келтирилган маълумотларга таянган ҳолда муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланди.

Юқорида келтирилган жадвалдан кредит сиёсатининг таркибий қисмлари нималардан иборат эканлиги ҳақида маълумотга эга бўлди. Бу қисмларнинг ҳар бири аълоҳида вазифаларни бажаради. Масалан Кредит сиёсатнинг мақсади - банк филиаллари томонидан мижозларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш, кредитлаш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида амалдаги қонунчилик талаблари ва меъёрларига риоя этиш, кредитлаш сиёсати ва кредитлаш тартиботларининг яхлитлигини кафолатлаш, таваккалчиликларни мунтазам равишда диверсификациялаш, банк ликвидлилигини яхшилаш ва кредитлаш жараёнини тўғри ҳамда ўрнатилган тартибда амалга ошириб, банк фаолиятининг фойдалилиги ва самарадорлигини таъминлашдир.

Кредитлаш кўлами банк томонидан ажратиладиган кредитларнинг қандай соҳаларга йўналтирилиши ҳақида умумий маълумот беради. Бунда кредитлар банкнинг асосий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, масалан кредитлар қишлоқ хўжалиги, савдога, саноат корхоналарига, хизмат кўрсатиш соҳаларига, қурилиш соҳасига, экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишга, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб қувватлашга, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда бошқа соҳаларга йўналтирилиши айнан ушбу таркибий қисмда белгилаб берилади. Банк ўзининг асосий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда кредит сиёсатида белгиланган мазкур соҳаларнинг қайси бирига кўпроқ кредит ажратилиши ва кредит портфели таркибида асосий фаолиятга йўналтирилган кредитларнинг фоизлари ҳақида қўшимча қарорлар қабул қилиши мумкин. Амалдаги меъёр ва йўриқномаларга риоя этилиши қисми: Банк кредит сиёсатини амалга ошириш жараёнида қандай меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ҳақида умумий маълумот беради. Масалан банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги меъёрлари ва йўриқномалари, банк Кенгаши томонидан тасдиқланган ҳамда кредит сиёсатнинг ажралмас қисми ҳисобланган ички кредит тартиботларига амал қилиши ва банк ишида қабул қилинган

эҳтиёткорлик тамойилларига асосланган ҳолда молиявий сармояларни Республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгартиришлар жараёнини ривожлантиришга йўналтирилишини ҳамда банк филиалларида хизмат кўрсатилаётган мижозларни кредитлаш жараёнида, Адлия вазирлигининг 2009 йил 23 октябрдаги 2023-сонли “Тирожат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари” талабларидан келиб чиққан ҳолда қарз олувчиларни лозим даражада текшириш ишлари ва мазкур қоидаларда кўрсатилган чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги ҳақида ахборот беради.

Банкнинг фоиз сиёсати кредит сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Чунки барча тижорат банклари ўзларининг кредит операцияларига маълум фоизларни ўрнатган ҳолда мижозларга кредитлар ажратади шу ўринда айтиб ўтиш лозимки Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти” тўғрисидаги қонунининг 28-моддасида тижорат банклари ўзларининг кредит ва воситачилик операцияларига фоизлар ўрнатишда мустақилдирлар деб таъкидлаб ўтилган. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки тижорат банклар ўзларининг кредит операциялари бўйича фоизларини белгилаши, мижоз билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Бундан ташқари мамлакатимизда маълум бир соҳани ривожлантириш учун қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш мақсадида, банклар имтиёзли фоиз стафкаларини ўрнатишлари мумкин. Масалан 2011 йил мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан барча банкларга мазкур соҳага имтиёзли фоизларда кредит маблағлари ажратиш вазифаси юклатилди. Фоизларни ўстирмаслик тижорат банкларида фоизларни ўстирмаслик сиёсати Марказий банкнинг 2003 йил 11 октябрдаги 25/7-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан 2004 йил 24 январда 1304-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида”ги низоми ва Адлия Вазирлигида 2006 йил 21 февралда 1548-

ракам билан давлат рўйхатига олинган "Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жағармалар ва "Микрокредитбанк" кредит линиялари хисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низом" талаблари ва бошқа қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.Бунга кўра:

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади ва 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда 2 йилгача муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисмини ташкил этади.Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар "Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси" ҳамда "Микрокредитбанк" имтиёзли кредит линияси хисобидан янги ташкил этилаётган, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатига олинганидан кейин олти ойдан кечиктирилмаган даврда кредит олиш учун банкка ариза топширган кичик бизнес субъектларига 12 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда 3 йилгача муддатга, кредитларни қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган дехқон хўжаликлари ва микрофирмаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача бўлган миқдорда берилади.Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлар учун ундириладиган фоиз ставкалари Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида белгиланади.Кредит умумий суммасининг 50 фоизини нақд пул билан фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга дехқон хўжаликларига 1,5 йил (18 ой) муддатгача фақат аҳолидан чорва, парранда, кўчат ва уруғлик сотиб олиш учун беришга йўл қўйилади.Тижорат банклари мазкур

фоизлардан келиб чиққан холда кредит операцияларига фоизлар белгилайди манашу жараён банкнинг фоизларни ўстирмаслик сиёсатини белгилаб беради. Бюджетдан ташқари жамғармаларга кредитлар, кредит линиялари хисобидан якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда берилади. Тижорт банклари ушбу фоизларга амал қилган холда фоизларни ўстирмаслик сиёсатини белгилайди.

Молиявий ахборот: Бу банкка кредит сўраб мурожаат қилаётган миждознинг иқтисодий фаолиятига тегишли бўлган маълумотларини банкка қай тартибда тақдим қилишини ўз ичига олади. Масалан миждознинг фаолиятига оид бўлган маълумотлар қуйидаги хужжатлар асосида ўрганилиши мумкин:

- а) Солиқ идоралари томонидан тасдиқланган охириги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси;
- б) Мустақил аудит ташкилоти тасдиқланган фойда ҳамда зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар;
- в) Бизнес-режа.;
- г) Кредитланадиган битимларни тасдиқловчи шартнома (контракт) нусхалари;
- д) Гаровга қўйилган мол-мулк рўйхати ёки кафилнинг кафиллик бериш тўғрисидаги ишонч хати;
- е) Суғурта компаниясининг гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилишга розилиги тўғрисидаги хатлари;
- ё) Қарз олувчининг валюта ҳисобварағида пул маблағлари мавжудлиги ҳақидаги ваколатли банкнинг маълумотномаси;

Кредит хужжатлари йиғмажилди: Кредит сиёсатида кредит хужжатлар йиғма жилдининг қай тартибда юритилиши белгилаб берилади. Бунда кредит

мижозга ажратилиши хақида қарор қабул қилинганидан сўнг кредит шартномаси қонуний кучга киради ва ушбу шартнома ҳамда миждоз банкка тақдим қилган қонун ҳужжатлар асосида, кредит ҳужжатлари йиғмажилди шакиллантирилади. Кредит маблағларининг мақсадли ишлатилиши бўйича банк ходимлари томонидан олиб борилган мониторинг маълумотлари ва текширув натижалари ҳамда кредитдан фойдаланиш жараёнида, миждоздан банкка келиб тушган аризалар хатлар ҳамда хизмат кўрсатувчи банк томонидан, миждозга ва ушбу кредит бўйича бошқа ташкилотларга юборилган хатларнинг асли ва нусхалари миждознинг кредит ҳужжатлари йиғма жилдида расмийлаштирилиб борилади. Миждоз томонидан кредит бўйича асосий қарздорлик ва кредит фоизлари тўлиқ қайтарилгандан сўнг кредит ҳужжатлари йиғмажилди белгиланган тартибда архивга топширилади. Кредитни таснифлаш ва кредит портфелини бошқариш: Тижорат банкларида кредитларни таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган заҳираларни шакиллантириш ва уларни ишлатиш тартиби” талабларига мувофиқ амалга оширилади. Тижорат банкларида кредитларни таснифлаш яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали, ва умидсиз кўринишида амалга оширилади. Кредитларни бериш тартиби инвестиция лоиҳаларини кредитлаш амалиёти: Банк кредит сиёсатининг муҳим қисмларидан бари ҳисобланади. Чунки банк томонидан кредитга қобиллиги етарли бўлмаган ёки ликвидлилиги белгиланган кўрсаткичлардан паст бўлган миждозларга кредит ажратилиши оқибатида кредит портфели таркибида муддати ўтган ёки муаммога айланаётган кредитлар ҳажмининг ортишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда барча банкларда кредитлар, миждоз банкка кредит сўраб мурожаат қилгандан сўнг ваколатли кредит қўмитаси томонидан унинг аризаси ва баланс

маълумотлари ҳамда бошқа ҳужжатларни таҳлил қилилиб, ушбу кредитни ажратиш тўғрисида ижобий ҳулоса билдиргандан сўнг амалга оширилади.


Кредит таъминотида қўйилган талаблар ссуда хажмининг гаров қийматига нисбати:Тижорат банкларида кредитлар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддасига биноан мол-мулк гарови, банк ва суғурта ташкилотларининг кафолати, учинчи шахслар кафиллиги ҳамда кредитларни қайтмаслик хавфини суғурталаш мажбуриятлари бўйича таъминот турлари мавжуд бўлган ҳолларда берилиши мумкин.Шунга асосан тижорат банкларининг кредит сиёсатида гаровга қандан таъминотлар расмийлаштирилиши ва бу таъминотлар гаровни баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолангандан сўнг ссуда хажмининг неча фоизи сифатида гаровга қабул қилиниши белгилаб қўйилади.Хўжалик юритувчи субъектларнинг лоиҳаларини молиялаштириш юзасидан халқаро кредит йўналишлари:Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларнинг лоиҳаларини молиялаштириш жараёнида халқаро кредит йўналишларидан фойдаланадилар, кредит сиёсатининг ушбу қисмида халқаро кредит йўналишлари қандай қилиб ўзлаштирилиши ва хўжалик юритувчи субъектларнинг лоиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилади.Кредит қайтарувчанлигини мониторинг қилиш:Тижорат банкларида мижозга кредит маблағлари ажратилганидан сўнг кредитни ананавий тамоилларидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш учун мижозларга берилган кредит бўйича мониторинг ўтказилади.Мониторинг мижоз кредитни мақсадли ишлатиши мижоз томонидан олиб борилаётган ишлар келажақда ушбу кредитни муаммоли кредитлар сирасига кирмаслиги учун зарур чора тадбирларни амалга оширишга асосланади.Бунинг натижасида банк кредит портфелининг ҳолати ижобий томонга ўзгаради ва кредит таваккалчилиги минималлаштирилади.Шунинг учун банклар ўзларининг кредит сиёсатида ушбу қисмга алоҳида эътибор қаратади.

1.2 Тижорат банклари кредит сиёсатининг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқирилиши ва ушбу қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим. Жумладан тижорат банкларининг кредит сиёсати ҳам ушбу қонун талаблари дирасида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, шундан келиб чиқиб биз тижорат банкларининг кредит сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида 2-чизмада кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатларини айтишимиз мумкин:

2-расм

Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқиладиган кредит сиёсатининг ҳуқуқий асослари⁴



⁴Тижорат банкларининг кредит сиёсатига асосан муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги расмда келтирилган маълумотлардан маълумки тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини мазкур қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқади. Бу қонунлар кредит сиёсатини қабул қилиш ва уни амалга ошириш ҳамда кредитлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кредит сиёсатининг қонунийлиги унинг барча қонун талаблар доирасида ишлаб чиқилишига хизмат қилади ва бошқа қонунийлик талабларини бажаришда асосий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик кодекси эса кредит сиёсатида ва кредитлаш амалиётида фуқоролик муносабатларини ва фуқороларга кредитлар ажратиш жумладан уларга иппотека истемол ва бошқа кредитларни ажратиш ва ажратилган кредитнинг асосий суммаси ёки унинг фоизлари тўланмаганда, фуқоронинг олдида қандай жавобгарлик ўрнатилиши мумкинлиги, ушбу ҳолатлар ва қонун ҳужжатларида келтирилган бошқа вазиятларда фуқоронинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Марказий банк тўғрисида”ги қонунга асосан Банк фаолиятини назорат қилиш вазифаси марказий банкка юклатилган ва марказий банк тижорат банкларининг фаолият юритиши учун зарур бўлган йўриқномаларни ишлаб чиқади ва уни амалга оширилиши устидан назоратни амалга оширади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (давлат рўйхати: №905 22.03.2000) Низом кўрсатмаларига амал қилишлари лозим. Мазкур низомга асосан тижорат банклари кредит сиёсатини алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилади ва банк кенгаши томонидан тасдиқланади дея эътироф этилган ва кредит сиёсатини ишлаб чиқишда, қандай талабларга риоя қилишлари, кредит сиёсатининг қабул қилиш жараёни ҳамда кредит сиёсатининг тўғри юритилиши устидан назоратни кимлар амалга ошириши ва кредит сиёсатини

амалга оширишда йўл қўйилган камичилик ва хатоларга кимлар жавоб беришлари аниқ равшан белгилаб қўйилган.Шунинг учун ҳам тижорат банклари кредит сиёсати ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисидаги” қонуни ва мазкур низом талабларига риоя қилишлари лозим.Чунки марказий банк қонун ҳужжатларига асосан банклар банки ҳисобланар экан у тижорат банкларининг самарали ва қонун ҳужжатлари асосан фаолият юритиши устидан назоратни амалга оширади, агарда банклар томонидан белгиланган тегишли қонун ҳужжатлари, марказий банк ҳамда бошқа банк фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан қўйилган қонуний талаблар бузилганган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги қонунининг 53-моддасида келтирилган жазо санксия чораларини қўллаши хаттоки Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасига асосан банк фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиши мумкин.Бу ўз навбатида ушбу қонуннинг кредит сиёсатини қабул қилиш ва амалга оширишда муҳим ҳужжатлардан бири эканлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасида 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни тижорат банкларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқишда асосий ҳуқуқий манбалардан биридир.Чунки ушбу қонун тижорат банкларининг фаолият юритиши учун зарур бўлган кўрсаткичлар, жумладан уларнинг операцияларининг тури, уставлари, устав капитали, банкларнинг кредит стафкалари ва воситачилик ҳақини белгилашда мустақиллиги, банкларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида умумий тавсиф берувчи қонун ҳисобланади.Шунинг учун тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мазкур қонун асосий дастурий амал вазифасини ўттиди.Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонуни ҳозирда кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида муҳим омиллардан бири бўлмоқда.Бунга сабаб ҳозирда мамлакатимизда хўжалик

юритувчи субъектларни молиявий қўллаб қувватлаш уларга микромолиявий хизматлар жумладан микрокредитлар микроқарз ва микролизинг хизматлари кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки тижорат банклари томонидан ушбу қонунга асосан микрокредитлар минимал иш ҳақининг минг баравари миқдорида микроқарзлар минимал иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда микролизинг эса минимал иш ҳақининг иккиминг баравари миқдорида ажратилиши лозим. Банклар томонидан мазкур кўрсаткичлардан ортиқ бўлган микрокредитларни қонун ҳужжатларига асосан ажратилиши таъқиqlанади. Ўзбекистон Республикасининг “Банк-сири тўғрисида”ги қонуни: Мазкур қонун ҳам тижорат банкларининг кредит сиёсатини қабул қилш ва амалга ошириш жараёнида муҳим манбалардан бири ҳисобланади чунки миқознинг ҳисобидаги пул маблағлари ва унга берилган кредитлар ҳамда ушбу ҳисобвароқ бўйича операциялар жумладан импорт ва экспорт операциялари банк сирига оид бўлган маълумотлар ҳисобланади. Тижорат банклари томонидан юқоридаги номлари келтирилган операцияларни амалга ошириш учун кредитлар ажратилиши мумкин шунинг учун ҳам тижорат банклари кредит сиёсатини қабул қилишда, мазкур қонун муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонуни тижорат банкларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида муҳим ҳуқуқий манбалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда тижорат банклари томонидан аҳолига турар жой биноларини сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратилмоқда, ушбу кредитлар ёш оилаларга 15 йил муддатга уч йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда берилмоқда. Агар кредит ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан берилган бўлса кредитнинг йиллик фоиз ставкаси - йилига кўпи билан 5 фоиз миқдорида белгиланиши тегишли қонун ҳужжатлари ва йўриқномаларда белгиланган. Мазкур кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари

ўзларининг кредит сиёсатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Истемол кредити тўғрисида”ги қонуни:Мазкур қонун ҳам тижорат банклари кредит сиёсатини амалга оширишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади чунки тижорат банкларининг деярли барчасида ушбу кредит тури мижозларга кенг қамровли миқёсида мунтазам ажратилади.Тижорат банкларида ушбу кредит бўйича фоиз стафкаси марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш стафкасининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда мижоз билан тузилган шартнома асосида ўрнатади.Ҳозирда мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб қувватлашга кучли эътибор қаратилмоқда тижорат банкларига эса ёш оилаларни маиший техника воситаларига бўлган талабини қондириш учун имтиёзли истемол кредитларини ажратиш вазифаси юклатилган .Ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини қабул қилишда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.Юқорида номлари келтирилган қонун ҳужжатларидан ташқари тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва Фармонларини инобатга олиши лозим.Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли Қарори, 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сонли ҳамда 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сонли Фармонлари, 2008 йил 24 июлдаги “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-927-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-рақам билан тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ва “Тижорат банкларида Корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомлари, шунингдек Адлия Вазирлигининг 2009 йил 23 октябрдаги 2023-сонли “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари” талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.Тижорат Банклари кредит сиёсатининг асосий йўналишлари мазкур қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилади ва банк кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг амалга оширилади.Тижорат банклари томонидан қабул қилинадиган кредит сиёсатининг ҳуқуқий асослари юқорида номлари келтирилган ва Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларидан иборат.

Юқоридаги режаларда тижорат банкларини иқтисодиётнинг юраги дея эътироф этдик, шу сабабли улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар низомлар ва уларнинг кредитлаш амалиётида муҳим манба бўлган кредит сиёсати қонун ҳужжатларига мос равишда тузулиши миллий ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган воқеаларни чуқур ўрганган, уларни асл сабабларини аниқ таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.Чунки тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар иқтисодиётга жумладан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига бунинг натижасида аҳолининг озиқ - овқат ва ноозиқ - овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш,иш билан бандлилик даражасининг ортиши, бир сўз билан айтганда аҳолининг турмуш даражасини яхшиланишида қанчалик муҳим рол ўйнаши ҳаммага маълум.Мавжуд шарт шароитлар ва қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда тузилган кредит сиёсатига асосан тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар туфайли иқтисодиёт кундан – кунга ривожланиб боради,ва шунга мос равишда аҳолининг турмуш даражаси ҳам юксалиб бораверади.

1-боб бўйича хулоса

Биринчи бобда келтирилган режаларни ўрганиш жараёнида тижорат банкларининг кредит сиёсатининг мазмун ва моҳияти билан танишдим . жумладан тижорат банкларининг кредит сиёсати бу банкларнинг кредит бериш борасидаги комплекс чора тадбирлар мажмуаси бўлиб, банкларнинг кредитлаш амалиётида муҳим ўрин тутди.Тижорат банкларининг кредит сиёсатига Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2000-йил 2-мартдаги “Тижорат банкларининг кредит сиёсатларига қўйилган талаблар тўғрисида”ги Низомиди қуйидагича таъриф берилади: “Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва усулларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимлари кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт.

Тижорат банклари кредит сиёсатининг таркибий қисмлари қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:Кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси кредитлаш кўлами,амалдаги меъёрлар ва йўриқномаларга риоя этилиши,банкнинг фоиз сиёсати,фоизларни ўстирмаслик,молиявий ахборот,кредит ҳужжатлари йиғма жилди,кредитларни таснифлаш ва кредит портфелини бошариш ваҳоказо.Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида маълум қонун ҳужжатлари,ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармоишлари ҳамда банк фаолиятини назорат қилувчи муасасалар томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар ва низомлардан фойдаланади.Тижорат банклари томонидан кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилади ва банк кенгаши томонидан тасдиқланади.Кредит сиёсати банк кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг банкнинг кредитлаш амалиётида муҳим манба сифатида фойдаланилади.

II.Боб Тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришда банк кредит сиёсати ва унинг жорий ҳолати таҳлили.

2.1. Очик акциядорлик тижорат “Агробанк”нинг кредит сиёсати.


ОАТ “Агробанк” биламизки мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарига хусусан дехқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи энг йирик банклардан бири ҳисобланади ва ушбу банк мамлакатимизда давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта ва ғалла ҳосилини етиштиришда қишлоқ хўжалиги корхоналарига бир қатор самарали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Жумладан банк томонидан ажратилган кредитлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати ошиб, янгидан янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Банкнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатаётган лизинг хизматлари туфайли фермер хўжаликларининг техника воситаларига бўлган эҳтиёжлари бутунлай қопланмоқда ва бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошишида муҳим омил бўлмоқда. ОАТ “Агробанк” нафақат қишлоқ хўжалиги балки бошқа соҳаларни ривожлантиришда ҳам ўзининг мақсадли тадбирлари билан иштирок этиб келмоқда. Тижорат банки томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, 2012 йил мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ҳозирда ёш оилаларни қўллаб қувватлашга катта эътибор қаратиш банкнинг кун тартибидаги муҳим масалаларидан бирига айланган. Жумладан уларга имтиёзли фоизлар асосида истемол ипотека ва бошқа кредитлар ажратиш ишлари қизғин амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси ёш оилаларнинг маиший техника воситалар ва турар жойларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим омил бўлмоқда.

Юқоридаги келтирилган маълумотларга асосан айтишимиз жоизки банк томонидан ажратилаётган кредитлар, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва банк кенгаши томонидан ишлаб чиқилган кредит сиёсатига асосан ажратилади. Бошқа тижорат банклари сингари ОАТ “Агробанк” ҳам ўзининг кредит сиёсатини 1 бобнинг 2-режасида келтириб

ўтилган қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқади ва у банк кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда ОАТ “Агробанк”нинг кредитлаш амалиётида муҳим ҳужжат сифатида қўлланилади. Ушбу банкнинг мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш мақсадида кредит сиёсатининг асосий йўналишларида қўйидагилар белгиланган:

3-расм

ОАТ “Агробанк” кредит сиёсатининг асосий йўналишлари⁵



⁵ “ОАТ” Агробанк”нинг кредит сиёсати асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки ОАТ “Агробанк” кредит сиёсатининг асосий йўналишларидан биринчиси бу: Банкнинг инвестициявий фаоллигини янада ошириш ва кредит портфелининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар улушини пропорционал миқдорда ўсишини таъминлаш ҳамда узоқ муддатли кредитлаш амалиётини кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратишдан иборат. Бундан айтишимиз мумкинки тижорат банки ўзининг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестиция кредитини ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратган. Бунда банкнинг инвестициявий фаоллигини янада ошириш портфелда узоқ муддатли кредитларнинг улушини босқичма босқич кўпайтириб бориш асосий мақсад қилиб қўйилган. Банк кредит сиёсатининг иккинчи йўналиши кредитлаш жараёнида асосий эътиборни иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий хорижий технологиялар ва ускуналарни жалб этишга йўналтирилган узоқ муддатли юқори самарали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш бўлиб бунда қуйидаги вазифаларни бажариш асосий мақсад қилиб қўйилган. Яъни иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш учун уларга кредит маблағларини ажратиш бунинг натижасида уларнинг ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, тармоқда фаолият юритувчи корхоналарнинг замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш хорижий инвестицияларни ўзлаштирган ҳолда ушбу жараённи тезлаштириш ва бошқа мақсадлар белгиланган. Чунки мазкур соҳаларнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди, ушбу корхоналарда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ - овқат ва но - озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Банк ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда мазкур соҳани ривожлантириш учун ўз кредит маблағларини ажратишни мақсад қилиб қўйган.

Кредит сиёсатининг учинчи йўналиши: Ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор бойитиш ва янги иш

ўринларни яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳамда уларга ажратилаётган кредит ресурслар ва микрокредитлар хажмини кўпайтириш, бу соҳага ҳозирда мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда ўтган 2011-йилнинг мамлакатимизда ”Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши фикримизни яна бир бор тасдиқлайдир.Шу ўринда ушбу субъект вакиллари кимлар ва нима учун мазкур субъектга бунча эътибор қаратилмоқда деган саволга жавоб берсак.

Кичик тадбиркорлик субъектларига:

- якка тартибдаги;
- микрофирмалар;
- кичик корхоналар;
- Деҳқон хўжалиги;
- Фермер хўжалиги киради;

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосий сабаблари эса қўйидагилар:

1) Ҳаракат эркинлиги- кўпчилик кичик корхоналарда юқорига бўйсунмиш деган гап йўқ, бу эса ташаббускор ва ҳаракатчан тадбиркорларга катта имкониятлар беради.

2) Мослашувчанлик ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконияти. Йирик корхоналарга нисбатан майда бизнесда ишлаб чиқариш ва бозордаги ўзгаришларга мувофиқ ҳолда иш олиб бориш имкониятлари кенг. Кичик корхоналар тезкорлик билан, бозор талабига биноан, зарур товар ишлаб чиқаришга ўта оладилар.

3) Маҳалий шарт-шароитларга тез кўникма ҳосил қилиш-майда бизнес маҳалий бозорнинг урф-одатлари, талаблари нимани афзал кўриши ва бошқа ўзига хос жихатларни ўрганиб, ишини шунга мувофиқ ташкил этишга аъло даражада мослашган.

4) Операцион харажатларнинг камлиги. Иш ҳақиға, ускуналарға кетадиган маблағ ҳам, бошқариш харажатлари ҳам нисбатан кам. Айниқса яққол мавсумий характердаги ёки ихтисослашган бозор шароитида катта афзалликларға эға.Бундан келиб чиққан холда Тижорат банклари томонидан мазкур субект вакиллариға кредитлар жумладан микрокредитлар ажратиш хажмини кенгайтириш вазифаси юклатилган .

Кредит сиёсатининг тўртинчи йўналиши, Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, улар негизида янги корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлаш ҳамда салоҳиятли инвесторларға сотиш жараёнини кенгайтириб бориш хисобанади.Хозирда мамлакатмизда тижорат банклар балансига иқтисодий ночор корхоналарни ўтказиш орқали уларни соғломлаштириш ишлариға катта этибор қаратилмоқда.Тижорат банклари балансига қабул қилинган иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш улар негзида янги ташкил қилинган корхоналарни салоҳиятли инвесторларға сотиш ишлари самарали амалға оширилиб келинмоқда.Ушбу мақсадларни амалға ошириш учун барча тижорат банклари қошида инвестиция ва инжиниринг компаниялари ташкил қилинмоқда.2012 йилнинг 1-январ холатига кўра тижорат банклари балансига қабул қилинган жами 164 та иқтисодий ночор корхоналарнинг 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланди 110 таси 851.6 млрд сўмға янги инвесторларға сотилди .Тижорат банклари томонидан мазкур корхоналарнинг техник ва технолагик қайта жихозлаш ва модернизатция қилиш ишлариға 275 млрд сўм миқдорида инвестиция киритилди натижада 22 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. ОАТ “Агробанк” ҳам иқтисодий ночор корхоналарни банк балансига қабул қилиш ва уларни соғломлаштириш ишларини амалға оширишни такомиллаштириш учун кредит сиёсатининг устувор йўналиши сифатида мазкур бандни киритган.ОАТ “Агробанк”да мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш доим диққат марказида бўлган ва кредит сиёсатида ҳам бу ўз аксини топган дейишимиз мумкин. “Агробанк”да

кредитлар кредит сиёсатига асосан кредит хизматлари мулкӣ мақомидан катъӣ назар қишлоқ хўжалик корхоналарига, ишлаб чиқариш, савдо, таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳаларига, фуқаролик ҳамда бошқа қурилишлар, экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишга ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларига тақдим этилиши мумкин. Чунки мазкур соҳалар иқтисодиётнинг энг етакчи тармоқлари ҳисобланади. Жумладан қишлоқ хўжалиги инсонларнинг яшаш шароити учун зарур бўлган маҳсулотларни янаям аниқроқ айтсак озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи соҳа ҳисобланади.

Саноат корхоналарининг нормал фаолият юритиши натижасида эса ёқилғи ва мойлаш, дори-дармон ва бошқа саноат маҳсулотлари яратилса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган деярли барча маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. ОАТ “Агробанк” ҳозирда мамлакатимизда энг ривожланиб бораётган банклар қаторига киришининг асосий сабабларидан бири бу албатта банк томонидан миқозларга хизмат кўрсатиш қўламининг кенглиги ҳамда миқозларга таклиф этилаётган жозибадор хизмат турлари ва бунинг натижасида миқозларнинг банкка бўлган ишончлари деярчи эътироф этиш мумкин. Ҳозирда мамлакатимизда тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация қилиш бўйича бир қатор мақсадли ишлар самарали тадбирлар амалга оширилмоқда, чунки бу тижорат банкларининг кредит портфелининг самарали бошқаришда муҳим аҳамият касб этиши амалиётда ўзини исботлаган. ОАТ “Агробанк”да ҳам бу борада бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан ушбу банкда танланган устувор йўналишларга мувофиқ кредитлар иқтисодиётнинг тармоқ белгилари бўйича қуйидаги соҳаларга йўналтирилиши фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. ОАТ “Агробанк”нинг кредит сиёсатида танланган устувор йўналишларга мувофиқ кредитлар иқтисодиётнинг тармоқ белгилари бўйича қуйидаги соҳаларга йўналтирилади:

- Қайта ишлаш саноати (пахта пилла қорақўл мева-сабзавот махсулотлари ва хоказолар);
- Қишлоқ хўжалигига ;
- Тижорат фаолиятига
- Таълим кредити ;
- Қишлоқ хўжалигининг моддий техник таъминотига;
- Капитал қўйилмаларини молиялаштиришга;
- Кичик бизнес субъектларига;
- Бошқа сохалар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан биз банк томонид танланган устувор йўналишларга мувофиқ кредитларнинг қайси сохага йўналтирилишини билиб олдик ва бу сохалар хозирда мамлакатимизда энг эътибор кучли бўлган сохалардан саналади масалан:Қайта ишлаш саноати биламизки хозирда ўзимизда ишлаб чиқарилган хом ашёни тайёр махсулолт холига келтириш уларни қайта ишлаган холда тайёр махсулот кўринишида маҳаллий бозорни сифатли озиқ-овқат ва кийим кечак махсулотлари билан бойитиш ҳамда тайёр махсулотни чет мамлакатларга экспорт қилиш орқали чет эл валютасини жалб қилиб, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда.Банк ушбу ҳолатни инобатга олган холда ўз кредит сиёсатида кредитларнинг маълум қисмини айнан ушбу сохалар яъни пахта пилла қорақўл мева-сабзавот махсулотларини қайта ишлаш соҳасига йўналтириш орқали мазкур сохаларни ривожлантиришни мақсад қилган дейишимиз мумкин.

Кредит сиёсатида белгиланган яна бир соҳа бу қишлоқ хўжалигининг моддий техник таъминотидир: Биз юқорида ОАТ “Агробанк”ни қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи энг йирик банк эканлигини ҳамда банк томонидан миждозларга кўрсатилаётган лизинг хизматлари туфайли бир нечта ушбу сектор вакилларининг техника воситаларига бўлган эҳтиёжлари бутунлай қопланганлигини тақрорлаб ўтган эдик.Банк доимо

мазкур сектор вакиллари молиявий қўллаб қувватлаши ва кредит маблағларига бўлган талабларини қондиришга интилиши мазкур маълумотларда ўз аксини топган. Банкнинг кредит сиёсатида белгиланган навбатдаги соҳа қишлоқ хўжалигидир. Агробанк ҳозирда мамлакатимизда мавжуд деҳқон ва фермер хўжаликларининг ишончли ҳамкори саналади. Қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар банк кредит портфелининг катта қисмини ташкил этади. Ажратилган кредитлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етиштириш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Тижорат банки томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига кредитлар Адлия вазирлигидан 2007 йил 14 апрелдаги 1675-сон билан рўйхатдан ўтган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ва кредит сиёсатига асосан ажратилади. Кредит сиёсатида белгиланган навбатдаги соҳа бу тижорат фаолияти ҳисобланади, банк филиаллари томонидан ҳозирда тижорат фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга бир қатор банк хизматлари кўрсатилиб келинмоқда. Жумладан ушбу субъектларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадиди ўз айланма маблағларини тўлдириш учун кредитлар ажратилмоқда. Бу кредитларнинг банк учун аҳамиятли томони бундай кредитлар ўзининг қисқа муддатлилиги ва бунинг натижасида банк кредит портфелининг rischiлик даражаси камлиги билан ажралиб туради. Хўжалик юритувчи субъектларга эса ўз айланма маблағларини тўлдиришда банк кредитлардан фойдаланиш имкониятини беради. Шунинг учун банк ўз кредит сиёсатида устувор соҳа сифатида мазкур соҳани киритган. Ушбу соҳалар ичида ҳозирда мамлакатимизда энг юқори эътибор қаратилаётгани бу шубҳасиз “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” соҳасидир. ОАТ “Агробанк” ҳам барча тижорат банклари сингари ушбу соҳани ривожлантириш учун ўз кредит сиёсатида мазкур соҳани устувор соҳа сифатида эътироф этиб бу соҳага кредитлар ажратилишини белгилаб қўйган. Банкнинг кредит сиёсатида

кредит ажратилиши белгиланган яна бир кредит тури бу таълим кредитидир.Юртимизда бу сохага қанчалик эътибор қаратилаётганини изохлашга ҳожат йўқ дейишимиз мумкин, чунки барчага маълумки таълим соҳаси ҳозирда мамлакатимизда жуда катта эътибор қаратилмоқда.Ёшларни илм олиши учун барча шарт шароитларни яратиш бўйича кенг қўламли ишлар мақсадли тадбирлар мунтазам амалга оширилиб келинмоқда, банклар томонидан ёшларни илм олиши учун таълим кредитини ажратиши ана шундай мақсадли тадбирлардан биридир ОАТ “Агробанк” ҳам ўзининг кредит сиёсатида ёшларни илм олиши учун уларга таълим кредитини ажратишни муҳим устувор соҳа сифатида белгилаб қўйган ва банк томонидан ҳар йили жуда катта миқдорда таълим кредитлари ажратилмоқда.

Шу ўринда такидлаб ўтиш жоизки кредит сиёсатига асосан кредит бериш тартиби қуйидагича белгиланган:Кредитлар ваколатли кредит кўмитасининг ушбу кредитларни ажратиш тўғрисида қабул қилган ижобий қарорига асосан банк филиаллари томонидан берилади.Бу жараёнда банк филиаллари томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади ва ушбу талаблар бажарилганидан сўнг филиаллар томонидан мижозларга кредит маблағлари белгиланган тартиб доирасида ажратилади:

❖ Қарз олувчининг кредит олиш юзасидан берган аризаси зарур бўлган ҳужжатларни банкка тақдим этилиши биланоқ ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

❖ Қарз олувчи тўғрисидаги зарур маълумотлар ва кредитни расмийлаштириш ҳамда, ундан фойдаланишни назорат қилиш чоғида олинган ахборот қарз олувчининг кредит йиғмажилдида мужассамлаштирилади.

❖ Кредитлар реал бойликлар ва мулкый ҳуқуқларни гаровга олган ҳолда тақдим этилади ҳамда ушбу гаровнинг мавжудлиги, яроқлилиги ва сақланиши дастлаб ссуда берилгунга қадар тўлиқ ўрганилиши лозим.

- ❖ Кредит қайтарилишини таъминловчи таъминот (гаров, кафиллик, кафолат, жавобгарлик суғуртаси ва бошқалар) тегишли тартибда расмийлаштирилгач, кредит маблағи қарз олувчига берилади.
- ❖ Кредит ва юридик хизмат ходимлари кредит шартномаси тузилгунга қадар лойиҳанинг иқтисодий асослантирилганлиги, қарз олувчининг юридик лаёқатлилиги ҳамда қарзни қайтара олиш қобилиятини ўрганиб чиқишлари шарт.
- ❖ Ноликвид балансга эга бўлган ва зарар билан ишлаётган хўжалик субъектларига банк кредитлари ажратилиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланади дея таъкидланган. ОАТ “Агробанк” кредит сиёсатининг қисқача мазмуни шундан иборат бир нарсани айтиб ўтиш лозимки банкнинг кредит сиёсати мамлакатимизни иқтисодиётини ривожлантиришга ва банкнинг ликвидлигини ошириш кредит портфелини диверсификация қилиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини бажариш ҳамда банкнинг рентабеллик даражасини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган дейиш мумкин. Банк томонидан шу кунга қадар бир нечта йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ажратилган кредитлар ҳисобидан мамлакатимизнинг турли минтақаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилди. Ёш оилаларни қўллаб қувватлаш борасида Республикамизда қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларга имтиёзли фоизларда истемол ва ипотека кредитлари ажратилди. Мамлакатимизда таълим тизимига берилаётган эътибор натижасида банк томонидан ёшларни илм олишлари учун кенг миқёсда таълим кредитлари берилди. Бир сўз билан айтганда банкнинг кредит сиёсатини аъло даражада ишлаб чиқилган дея баҳолаш ўринли бўлади.

2.2. Очик акциядорлик тижорат “Агробанк” кредит портфелининг жорий ҳолати таҳлили.

Айтиш жоизки Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган вазифалар ОАТ “Агробанк” фаъолиятида муҳим дастури амал бўлмоқда. ОАТ “Агробанк” ҳозирда мамлакатимизнинг энг йирик ва иқтисодийтимизни ривожлантиришда муносиб қатнашиб келаётган банклардан бири ҳисобланади. Банк томонидан ўтган йиллар давомида иқтисодийтимизни ривожлантириш борасида бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилди. Хусусан банк томонидан иқтисодийтимизнинг етакчи тармоқлари бўлган ва ҳозирда мамлакатимизда катта эътибор қаратилаётган соҳаларни ривожлантириш учун жуда катта ҳажмдаги кредит маблағлари йўналтирилди. Биламизки қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодийтининг етакчи тармоқларидан бири саналади. ОАТ “Агробанк”да мазкур секторни ривожлантириш, соҳада фаъолият юритаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари, чорвачилик ёки паррандачилик билан шуғулланаётган ишбилармонларни молиявий жихатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилган кредитларнинг юқори суратлар билан ўсиши шундан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 24-августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан, соҳа вакиллари қўллаб қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан ушбу субъект вакилларига имтиёзли шартлар асосида кредит маблағлари берилди ва энди ўз фаолиятини бошлаётган лекин бунинг учун етарли даражада маблағга эга бўлмаган тадбиркорлар учун, бошланғич сармоянги шакллантириш учун кредит маблағлари кенг миқёсида

ажратилди. ОАТ “Агробанк” томонидан хисобот йилида миждозларга ажратилган кредитларнинг умумий хажмини биз қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкин.

1-Жадвал

ОАТ “Агробанк” томонидан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига ажратилган кредит қўйилмаларининг умумий хажми (млн сўмда)⁶

Тармоқ номи	2010 йил	2011 йил	Йиллик ўсиши фоизда
Саноат	113168	213766	52,9%
Қишлоқ хўжалиги	285328	377399	75,6%
Транспорт ва алоқа соҳаси	1763	2009	87,7%
Қурилиш	32899	45409	72,4%
Савдо ва умумий овқатланиш	57623	58656	98,2%
Моддий техник таъминот	129006	158424	81,4%
Бошқа соҳалар	110370	162082	68,0%
Жами	730157	1017745	71,7%

⁶ ОАТ “Агробанк” нинг кредит портфелида келтирилган маълумотлар асосида тайёрланди

Юқоридаги жадвал маълумотлари билан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ОАТ “Агробанк”да ўтган вақт мобайнида ушбу соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Бу тармоқлар ичида кредит портфели таркибида катта ҳажмни эгаллаган тармоқ саноат тармоғи ҳисобланади. Жадвалдан кўришимиз мумкинки банк томонидан ушбу соҳага ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган 2010-йилга нисбатан олинганида 52,5 фоизга ортган. Ажратилган кредитлар туфайли мамлакатимизнинг турли минтақаларида янги корхоналар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо қилинди. Бу албатта иқтисодиётимизнинг ривожланиши мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Соҳага ажратилган кредитлар туфайли корхоналарнинг озиқ овқат ва но-озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошиб мамлакатимиз бозорларининг сифатли ва кенг асцартиментли маҳсулотлар билан бойитилишига замин яратди ва корхоналарнинг экспорт салоҳиятининг ортиши, уларнинг жаҳон бозорларида ўз маҳсулотлари билан қатнашиши натижада, валюта оқимининг кучайишига олиб келиши шубҳасиз албатта.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилган кредитларнинг ўсиш ҳажми ҳисобот йилида 75,6 фоизни ташкил этди. Бунинг натижасида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми кескин ошди, жумладан аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига ҳамда бошқа озиқ овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш ишлари сезиларли даражада жадаллаштирилди. Мамлакатимизда ҳозирда транспорт ва алоқа соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда ОАТ “Агробанк” томонидан ҳам ушбу соҳани қўллаб қувватлаш учун ўтган йил давомида мазкур секторга ажратилган кредитлар ҳажми 87,7 фоизга ошди. Транспорт ва алоқа воситаларисиз ҳозирда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди албатта. Банк ушбу факторларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур соҳани ривожлантириш учун кенг миқёсида кредитлар ажратди. Ушбу соҳага ажратилган кредитларнинг миқдори юқори

фоизлар билан ўсганлиги гапимизни яна бир бор тасдиқлайди. Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари тобора ривожланиб бораётган бир шароитда ОАТ “Агробанк” ҳам мазкур жараёнда фаъол қатнашиш мақсадида қурилиш соҳасига катта этибор қаратди. Банк томонидан ҳисобот йилида қурилиш соҳасини ривожлантириш, аҳолининг уй жойга бўлган эҳтиёжини қондириш ва қишлоқ жойларида намунавий лоиха асосида барпо этилаётган тураржой объектларини сотиб олиши учун, ўтган йилларга нисбатан 72,4 фоиздан зиёдрок бўлган кредит маблағлари йўналтирилди. Бунинг натижасида аҳолининг намунавий лоиха асосида барпо этилган уй жойларни сотиб олишга бўлган эҳтиёжи қопланди. Банк томонидан савдо ва умумий овқатланиш соҳасига ўтган йил давомида ажратилган кредит қўйилмаларининг ҳажми 98,2 фоизга ортди, бу албатта қуванарли ҳолдир. Чунки мазкур соҳанинг ривожланиши аҳолининг бандлилик даражасини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳисобот йилида мазкур секторга ажратилган кредитлар туфайли жойларда янгидан янги иш ўринлари ташкил қилинди. ОАТ “Агробанк” томонидан моддий техник таъминот соҳасига ажратилган кредит қўйилмалари ҳажмини юқори баҳолаш мумкин. Зеро ушбу секторга ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан таққослаганда бир неча млрд сўмга ошганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ўтган 2011-йида мазкур секторга ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми 81,4 фоизга ошди ва мазкур сектор ривожига катта ҳисса қўшди. ОАТ “Агробанк” томонидан иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқларига ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми ҳисобот йилида 68,0 фоизни ташкил этди. Банк устувор тармоқларни кредитлаш бўйича мазкур соҳаларга ажратган умумий кредит қўйилмалари ҳажми ҳисобот йилида 71,7 фоизга ошди. Мазкур кредитлар ҳисобидан ушбу соҳаларда ишлаб чиқариш қуввати ва самарадорлиги яна ортди ҳамда ушбу соҳаларнинг техника воситаларига бўлган эҳтиёжи қарийб бутунлай қопланди. Қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар туфайли соҳанинг ривожланиши оқибатида қишлоқ хўжалиги

махсулотлари етиштириш хажми кескин ошди. Қурилиш соҳасига ажратилган кредитлар туфайли аҳолининг уй жойга бўлган эҳтиёжи ҳам имкон қадар қопланди. Банк томонидан ажратилган кредитларни иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича тақсимланишини биз қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

2-жадвал

ОАТ “Агробанк” кредит қўйилмаларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши (фоизда)⁷

Кредит ажратилган тармоқ Номи	Умумий кредит портфелида тармоққа ажратилган кредит Фоизда
Саноат	21.0 %
Қишлоқ хўжалиги	32.1 %
Транспорт ва алоқа	0.3 %
Қурилиш	4.5 %
Савдо ва умумий овқатланиш	5.8 %
Моддий техник таъминот	15.6 %
Бошқа соҳалар	15.9 %

⁷ ОАТ “Агробанк” маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги Жадвал кўрсаткичларидан маълумки кредит қўйилмаларининг 21 фоизи саноат соҳасига йўналтирилган. ОАТ “Агробанк”нинг асосий фаолияти бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилган кредитлар жами кредит қўйилмалари ҳажмининг 32.1 фоизига тўғри келади. Банк томонидан ҳисобот йилида транспорт соҳасига ажратилган кредитлар жами кредит портфелининг 0.3 фоизига тўғри келса қурилиш соҳасига ажратилган кредитлар эса 4.5 фоизини ташкил этади. Савдо ва умумий овқатланиш соҳасига ажратилган кредитлар жами кредитларнинг 5.8 фоизини, моддий техник таъминотга ажратилган кредитлар эса 15.6 фоизини, ва бошқа соҳаларга ажратилган кредитлар жами кредит портфелининг 15.9 фоизини ташкил қилмоқда. Маълумки ҳозирда мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”ни қўллаб қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда чунки мазкур соҳанинг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида катта ўрин тутаяди, Айнан ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши бошқа соҳаларга нисбатан юқори эканлиги барчага маълум, ушбу соҳанинг бошқа соҳалардан яна бир фарқли томони бунда аҳолини иш билан бандлилик даражасини ошириш бўйича юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин. Ушбу соҳага ажратилган кредитлар туфайли, яратилган иш ўринлари сонининг йилдан йилга ошиб бориши фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Банкнинг кредит портфелини таҳлил қилиш жараёнида маҳкур соҳага ўтган давр мобайнида жуда катта эътибор қаратилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунки банкнинг умумий кредит портфелида мазкур соҳага ажратилган кредитлар йилдан йилга ортиб бориши бўйича рақамлар акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин. Рақамларга аниқлик киритиш мақсадида ушбу банкнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” соҳасига ажратган кредитларининг 2010-йил ва 2011-йилги кўрсаткичларини таққослаган ҳолда ҳисобот йилида банк томонидан мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Қуйида келтириладиган жадвал маълумотларидан айтишимиз

мумкинки ОАТ “Агробанк “ хозирда тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг яқин ҳамда ишончли ҳамкоридир. Банк томонидан ушбу сохага ажратилган кредитлар туфайли юртимизда янгидан янги тадбиркорлар кичик бизнес вакиллари фаолияти ташкил қилинди. Фикримизга илова тариқасида банк томонидан мазкур сохага ажратилган кредитларнинг ўсиш динамикасини жадвал кўринишда келтириб ўтмоқчимиз.

3-Жадвал

ОАТ “Агробанк” томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ажратилган кредитлар ва бунинг натижасида яратилган иш ўринлари сонининг ўсиш динамикаси⁸

Ажратилган кредит турлари ва яратилган иш ўринлари сони	2010йил	2011 йил	Йиллик ўсиши Фоизда
Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар	83453.9	219292.8	38,0
Микрокредитларнинг ўсиш динамикаси	39005	65294	59,7
Тадбиркор аёлларни қўллаб қувватлаш учун ажратилган кредитлар	12291	20629	59,5
Кичик бизнесга ажратилган кредитлар ҳисобидан яратилган иш ўринлари сони	32404	35948	90,1
Савдо ташкилотларига ажратилган кредитлар	64593	82479	78,3
Мижозларга ажратилган истемол кредитлари	15003	19435	77,1
Жами	246749.9	443077.8	55,6

⁸ ОАТ “Агробанк” нинг кредит портфелида келтирилган маълумотлар асосида тайёрланди.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан айтишимиз мумкинки ОАТ “Агробанк”да “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” соҳасини молиявий қўллаб қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан банкнинг барча молиявий манбалар ҳисобидан мазкур секторга ажратган кредитлар ҳажми ўтган йилга нисбатан олинганида 38.0 фоизга ошгани фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитларни ўсиш динамикаси эса ҳисобот йилида 59.7 фоизга ошган. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. ОАТ “Агробанк” ҳам мазкур жараённинг фаъол қатнашчиларидан бўлиб, тадбиркор аёлларни қўллаб қувватлашга ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 59.5 фоиздан ортиқроқ кредит маблағлари йўналтирилди. Малумки ҳозирда иш билан таъминланганлик даражаси бутун дунёда хусусан мамлакатимизда ҳам кун тартибидаги масалалардан бирига айланган мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”ни ривожлантириш орқали аҳолининг бандлигини оширишга қаратилган изчил чора тадбирлар натижасида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича юқори натижаларга эришилди. ОАТ “Агробанк” томонидан мазкур соҳага ажратилган кредитлар туфайли ўтган йилларга нисбатан яратилган иш ўринлари ҳажми 90.1 фоизга ошди. Савдо ташкилотларига ажратилган кредитлар ўтган йилга нисбатан таққосланганда 78.3 фоизга ошгани қуванарли ҳолдир. Банк томонидан миқдорларга истемол кредитларини ажратиш ҳажми ҳам ҳисобот йилида 77.1 фоизга ортиб истемол кредитига бўлган талабни қондирилишида муҳим омил бўлди. ОАТ “Агробанк” томонидан ҳисобот йилида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” соҳасини ривожлантиришга ажратилган кредитларнинг умумий миқдори ўтган йилга нисбатан ҳисобланганда 55.6 фоизга ошгани диққатга сазовордир.

ОАТ “Агробанк”нинг ҳисобот йилида иқтисодиётнинг реал секторларига ажратган кредит қўйилмалари ҳажми ҳам кескин ортди. Банк

томонидан ушбу сохаларни ривожлантириш борасида муаян ишлар амалга оширилди буни биз, қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин:

4-Жадвал

ОАТ “Агробанк” томонидан иқтисодиётнинг реал секторларига ажратилган кредитлар (млн сўмда)⁹

Кредит турлари	2010 йил	2011 йил	Йиллик ўсиши Фоизда
Паррандачиликни ривожлантиришга	10.1	17.4	58.0%
Балиқчиликни қилиш ривожлантиришга	1.5	2.7	55.5%
Асаларичилликни ривожлантиришга	1.1	2.2	50%
Иссиқхоналарни ташқил қилишга	9.3	12.1	76.8%
Гўшт ва сутни қайта ишлаш саноатига	7.4	15.1	49.0%
ЖАМИ	29.4	49.5	59.3%

Юқоридаги жадвал маълумотларига эътибор қаратсак ОАТ “Агробанк” томонидан иқтисодиётнинг кредитлаш хажмининг кескин ортганини гувоҳи бўламиз. Хусусан банк томонидан паррандачиликни ривожлантиришга ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 58.8 фоиздан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу ўтган йилда ажратилган кредитга нисбатан ҳисобланганда 7.3 млн сўмдан ортиқ эканлигини кўрсатади. Ҳозирда Республикаимизнинг турли минтақаларида балиқчиликка иқтисослаштирилган хўжаликлар фаолият

⁹ ОАТ “Агробанк” нинг кредит портфелида келтирилган маълумотлар асосида тайёрланди.

юритмоқда ўтган йил давомида банк томонидан балиқчилик соҳасига ажратилган кредитлар ҳажми 55.5 фоизга ортиди. Бу ўтган йилга нисбатан ҳисобланганда 1.2 млн сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Банк асаричиликни ривожлантиришга ҳисобот йилида ўтган йилдагига нисбатан 50 фоиздан ортиқ маблағ йўналтирди. ОАТ “Агробанк” томонидан иссиқхоналарни ташкил қилишга аввалги йилга нисбатан таққосланганда 76.8 фоиздан ортиқ яъни 2.8 млн сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Банк томонидан гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш уларни қайта ишлаш соҳасига жорий йилда аввалги йилга нисбатан 49.0 фоиздан ортиқ бўлган кредитлар ажратилди яъни ўтган йилга нисбатан 7.7 млн сўмдан кўпроқ маблағ мазкур соҳага йўналтирилди. Ўтган йил давомида банкнинг иқтисодиётнинг реал секторига ажратган кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми 59.3 фоиз умумий суммада эса 20.1 млн сўмга ортиди. Бу албатта ушбу соҳаларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Натижада банкнинг кредит портфели таркибида иқтисодиётнинг реал секторларига йўналтирилган кредитларнинг ҳажми ортишига сабаб бўлди. Тижорат банкларининг кредит портфелининг амалдаги ҳолатига ўз этиборини қаратган мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов 2011- йилнинг асосий якунлари ва 2012-йил Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасидаги маърузасида “Банкнинг кредит портфели таркибида сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 - йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса 2011- йилда унинг 85.3 фоизи ички манбалар юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир” деб эътироф этиб ўтдилалар¹⁰.

¹⁰ И.А.Каримов 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи”. 20.02.2012 йил.

2.3. Тижорат банкларининг кредит сиёсати ва кредит портфелига таъсир этувчи омиллар.

Тижорат банклар ўзларининг кредит сиёсатини қабул қилишда маълум бир омилларга эътибор қаратадилар, банкларининг кредит сиёсатига таъсир этувчи омиллар сифатида биз қуйидаги омилларни келтириб ўтишимиз мумкин айнан манашу омилларни инобатга олган ҳолда тижорат банкларида кредит сиёсати ишлаб чиқилади:

5-расм

Банкнинг кредит сиёсатини белгиловчи омиллар ¹¹

Макро иқтисодий омиллар	-Мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолати -Марказий банкнинг пул кредит сиёсати -ҳукуматнинг молиявий сиёсати
Регионал (шўба) ва тармоқ омили	-Худуд ва тармоқдаги иқтисодий ҳолат(банк бўлимига тегишли) -Мижозлар тузилмаси уларнинг кредитга бўлган талаби -Рақобатчи банкларнинг мавжудлиги
Банк ичидаги омиллар	-Банк(капитал) ўз маблағлари ҳажми(миқдори) -Пассивлар тузулиши -Банк персанали (хизматчилари) тажрибаси ва қобилияти

¹¹ Тоймухамедов.И.Р. “Банк иши” Ўқув қўлланма.ТДИУ.2005 йил

Юқорида келтирилган жадвалдан айтишимиз мумкинки тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини қабул қилиш жараёнида мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолатини албатта инобатга олиши лозим, чунки мазкур омил тасирида келгуси йилда кредитлар танланган устувор йўналиши бўйича қайси соҳаларга йўналтирилиши ҳақида аниқ тўхтамга келинади.

Кредит сиёсатини аниқловчи макроиқтисодий омиллардан бири бу марказий банкнинг пул–кредит сиёсатидир чунки марказий банк юқоридаги бобларда таъкидлаганимиздек қонун ҳужжатларига асосан жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Банklar ва банк фаолияти” ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банк” тўғрисидаги қонунларига асосан банklar фаолиятини назорат қилувчи ташкилот ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган 2012 йига мўлжалланган Монетар сиёсатнинг “Банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислохатлар” бўлимида 2012-йилда банк тизимини ривожлантириш ва ислох қилишда сосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора тадбирлар” дастурида ҳамда банк тизимида оид бошқа фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилади дея таъкидлаб ўтиган. Ушбу пул-кредит сиёсатида тижорат банкларининг инвестицион фаоллиги ва улар томонидан ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жихозлаш модернизациялаш бўйича лоихаларни кредитлаш ҳажми оширилади. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш ҳажми камида 25 фоизга ошиши прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқаришни қайта тиклаш шунингдек уларни стратегик инвесторларга реализация қилиш бўйича ишлар давом эттирилади. 2012-йилда ҳам “Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик” субъектларига барча молиялаштириш манбалари хисобидан ажратиладиган кредитлар ҳажми 4.4 трлн сўмдан ошishi прогноз қилинмоқда. Истемол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш жумладан жозибадор бўлган турли молиявий инструментлар орқали молиявий қўллаб қувватлаш ҳажмлари ошириб борилади, шунингдек “Мустаҳкам оила йили” давлат дастурига мувофиқ оилавий тадбиркор ва хунармандчиликни ривожлантириш ҳамда ипотека кредитлари ажратилиши кўзда тутилмоқда деб таъкидлаб ўтди. Тижорат банклари мазкур кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда кредит сиёсатида юқорида келтирилган соҳаларга кредитлар ажратиш ҳажмини кўпайтиришга доир ўзгартириш ва қўшимчалар киритади. Макроиктисодий омиллардан яна бири бу ҳукуматнинг молиявий сиёсатидир. Ҳукумат мавжуд ижтимоий ва иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда бирор бир соҳани ривожлантириш борасида қарор қабул қилиши мумкин ва тижорат банклари ҳам ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўзларининг кредит сиёсатига маълум ўзгартиришлар киритади. Масалан мамлакатимизда 2011-йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан барча тижорат банклари мазкур соҳани молиялаштириш ушбу субъект вакиллари кўллаб қувватлаш мақсадида ўзларининг кредит сиёсатига ўзгартиришлар киритди. Улар томонидан ишлаб чиқилган кредит сиёсатига асоан ушбу соҳага ажратилган кредитлар бўйича имтиёзли фоида ставкалари жорий қилинди.

Банкларнинг кредит сиёсатини аниқловчи омиллар таркибида макроиктисодий омиллардан ташқари регионал ва тармоқ омиллари ҳам муҳим ўрин тутди. Регионал тармоқ омиллардан бири бу:

Худуд ва тармоқдаги иқтисодий ҳолат (Банк бўлимига тегишли) омиллари: Тижорат банклари маълум бир миқдорлар тузилмаси уларнинг кредитга бўлган талаби омиллари банклар кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида ушбу омилни албатта инобатга олишлари лозим чунки банк кредит ставкасига ёки кредит бериш жараёнига маълум ўзгартиришлар

киритса мижозлар томонидан ушбу банк кредитларига бўлган талаби сусайиши ёки аксинча кучайиши мумкин.Бундан ташқари банк ўзининг мижозларининг тузилмасига ҳам катта эътибор қаратиши лозим бўлади агар мижознинг молиявий ахволи барқарор бўлса у банкдан олган кредитларининг ўз вақтида сўндириши, банкнинг кредит операциялари бўйича даромадларини оширишга, хизмат қилиши мумкин.Шунинг учун тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини қабул қилишда ушбу факторни албатта инобатга олишлари лозим.


Рақобатчи банкларнинг мавжудлиги :Республикамизда ҳозирги кунда иқтисодий ва бошқа соҳаларда рақобатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда чунки соғлом рақобат бор жойда ўсиш юз беради .Банклар ҳам бозор иқтисодиёти шароитида бир бири билан соғлом рақобатда бўладилар.Чунки мижозни ушбу банкка ишончини ортиши ва банк хизматларидан фойдаланиши банклар даромадининг асосий манбаи хисобланади.Кредит операцияси борасида банклар мижозларни банк хизматларидан фойдаланишга жалб қилиш учун жозибадор жумладан узоқ муддатли ва имтёзли кредит хизматларини таклиф қилиши орқали амалга оширилади ,шундан келиб чиққан ҳолатда тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатига рақобатчи банкларни енгиш ёки уларга нисбатан кўпроқ мижоз жалб қилиш учун ўзларининг кредит сиёсатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади. Банк кредит сиёсатини белгиловчи омилларнинг яна бир тури бу банк ички омиллари хисобланади, бу омилларга таркибига қуйидагилар киради.

Банкнинг ўз маблағлари ҳажми.Шу ўринда айтиб ўтсак банкнинг ўз маблағлари таркиби:1.Акциядорлик капитали, 2.Қўшимча капитал,3.Захира капитали,4.Тақсимланмаган фойда, ва 5,Қайта баҳолаш ортиқчасидан иборат.Банк ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида албатта устав капиталига эга бўлиши лозим чунки иқтисодиётда кўзда тутилмаган харажатлар ва тасодифий ходисалар юз бериши мумкин.Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар вақт ўтиши билан муоммога айланиб

уларнинг қайтишига шубха уйғонса ажратилган кредит, кредитни таснифлаш услига кўра стандарт субстандарт ва айниқса шубхали ва умидсиз кредитлар тоифасига тушиб қолса, банк бу зарарни ўрнини қоплаш учун ўзининг маблағларидан ссудани ўрнини қоплаш учун захира шакиллантириши лозим. Шу ўринда такидлаб ўтиш лозимки 2011-йилда банк тизими ресурс базасини мустахкамлаш борасида амалга оширилган чора тадбирлар натижасида банкнинг жами капитали 2011 йилда 30.1 фоизга ўсиб 2012 йил 1-январ ҳолатига кўра 5.3 трлн сўмни ташкил этди. бугунги кунда 17 тижорат банкининг акцияси “Тошкент фонд биржаси листингига киритилган бўлиб ушбу қимматли қоғозлар котировкаси биржада мунтазам амалга оширилмоқда. Шунингдек тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми фонд биржасида мунтазам жойлаштириб борилмоқда. Хусусан 2011-йил давомида тижорат банкларининг 53.0 млрд сўмлик акцияси “Тошкент” Республика фонд биржасининг бирламчи савдоларида жойлаштирилган.

1-Диаграмма

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари жами капиталининг ўсиш динамикаси¹²



¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди..

Банкнинг ички омилларидан яна бири бу пасивлар тузулишидир. Ўзбекистон республикасининг “Банклар ва банк фаолияти” тўғрисидаги қонунининг 1-моддасида банк тушунчасига қуйидагича таъриф берилган “Банк тижорат ташкилоти бўлиб банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир. Юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш. Ушбу моддадан малумки тижорат банклари кредит операцияларининг асосий молиявий манбаи бу улар томонидан юридик ва жисмоний шахслардан қабул қилинган омонатлардир. Омонат эса юқоридаги режаларда айтганимиздек банкнинг мажбурияти яъни пасивлари ҳисобланади. Шунинг учун кредит сиёсатини амалга оширишда банклар мазкур омилни албатта ҳисобга олишлари шарт. Мазкур жараён ҳозир тижорат банклари томонидан қай даражада амалга оширилмоқда яъни тижорат банкларининг депозит маблағлари жалб қилиш ҳажмининг жорий ҳолати қандай ушбу саволга жавоб топиш учун диққатингизни қуйидаги диаграммага қаратмоқчимиз


Банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми йил бошига нисбатан 36,3 фоизга ошиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига 18,0 трлн. сўмни ташкил этди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда банклардаги омонатларнинг тўлиқ қайтарилиши давлат томонидан қафолатланганлиги ва улардан олинадиган фоиз даромадлари солиқдан озод этилганлиги банк депозитларини қулай, хавф-хатарсиз ва барқарор даромадли молиявий инструментга айлантирди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ҳозирда тижорат банклари томонидан 400 дан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда.

Натижада, аҳолининг банклардаги пул маблағлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 трлн. сўмга ёки 1,4 баробарга ортиб, 2012 йил 1

январь ҳолатига 6,2 трлн. сўмга етди. Аҳоли омонатларининг таркибида жамғарма ва муддатли омонатлар улуши 88,1 фоизни ташкил этди .

2-Диаграмма

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг жами депозитлари ва аҳолии омонатлари қолдиғи динамикаси¹³




Банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини муомалага чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2011 йилда тижорат банклари томонидан 204 млрд. сўмлик узоқ муддатли облигациялар инвесторлар ўртасида жойлаштирилган бўлса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида жойлаштирилган банк депозит сертификатлари ҳажми 427 млрд. сўмни ташкил қилди. Бугунги кунда банклар ресурс базасининг муттасил ўсиб бораётганлиги, ўз навбатида банкларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишига имкон бермоқда. Тижорат банкларининг умумий активлари ўтган йилга нисбатан 6,7 трлн. сўмга ёки 32,4 фоизга ошиб, 27,5 трлн. сўмга етди.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланд.

3-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари жами активларининг қолдиғи динамикаси¹⁴



Банклар томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 4,1 трлн. сўмга ёки 35,6 фоизга ошиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига 15,7 трлн. сўмни ташкил этди.


Таъкидлаш лозимки, ажратилган мазкур кредитларнинг 85,3 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда. Банкларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши эса 75,4 фоизни ташкил қилиб, уларнинг ҳажми 36,2 фоизга ошди. Тижорат банкларининг кредит қўйилмаларининг умумий ўсиш суратини қуйидаги диаграммада келтирилган маълумотлардан

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди

билишимиз мумкин. Бу диаграмма тижорат банклари томонидан 2011- йил мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар ва банкнинг бошқа мижозларига ажратилган кредитларнинг умумий миқдори тасвирланган.

4-Диаграмма

Ўзбекистон республикаси Тижорат банкларининг кредит қўйилмаларининг ўсиш динамикаси¹⁵



2011 йил мобайнида тижорат банкларининг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 4,4 трлн. сўм ёки 2010 йилга нисбатан 35 фоизга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Шунингдек, тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш, улар базасида янги ташкил этилган корхоналарни салоҳиятли инвесторларга сотиш ишлари самарали амалга оширилиб келинмоқда. Бу диаграмма маълумотларидан кўришимиз мумкинки тижорат

¹⁵ Ўзбекистон республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди.

банклари hozirda жадаллик билан ривожланиб бормокда хусусан банкларнинг капиталлашув даражаси ортганлиги банкка жалб қилинган депозитларнинг хажми йилдан йилга кўпайганлиги ҳамда бунинг натижасида тижорат банклари томонидан, иқтисодий рағбатлантириш мавжуд ишлаб чиқариш объектларининг технологик таъмирлар модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида, банк томонидан ушбу секторларга катта хажмда кредитлар ажратилаётганлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Барча тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида, унинг асосий элементларига эътибор қаратади. Бу элементлар кредит сиёсатининг мазмуни унинг асосий йўналишларини ҳамда тижорат банкларининг кредит бўлими ходимларининг иш жараёни яъни ажратилаётган кредит бўйича кредит йиғма жилдида қандай хужжатлар акс эттирилишини ва тижорат банки томонидан кредитлар қандай йўналишларга ажратилиши, кредитнинг миқдорий чегаралари кредит таъминотида қўйиладиган талаблар, мол мулкнинг баҳолаш тартиби қарз олувчининг кредитга қобиллигини аниқлаш стандартлари кўрсатиб ўтилади.

Бундан ташқари кредит портфелини бошқариш ва кредитнинг асосий таъмоилларидан бири бўлган мақсадлилиқ таъмоилини назорат қилиш тартиби кўрсатиб ўтилади. Тижорат банкларининг маълум бир соҳага ажратган кредит қўйилмалари ҳисобига уларнинг кредит портфели шакллантирилади. Кредит портфелининг таркиби, банк томонидан кредитлар кредит сиёсатига асосан қайси соҳаларга йўналтирилишига боғлиқ бўлади. Чунки барча тижорат банкларининг кредит сиёсатида кредитлар қайси соҳаларга йўналтирилиши ва кредитлаш жараёни банкнинг филиаллари томонидан, қандай кўринишда амалга оширилиши ҳақида умумий маълумот бериб ўтилади. Тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқишда қандай элементлардан фойдаланишини биз қуйидаги расмда келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкин.

**Тижорат банки томонидан тузиладиган кредит сиёсатинин
элементлари¹⁶**

Кредит босқичлари	Тартибга солувчи параметрлар (кўрсаткичлар)ва жараёнлар
Кредитни бериш бўйича бирламчи иш фаолият)	-Келгуси қарз олувчининг тури (туркуми) -Кредитлаш турлари -Кредитлаш жараёнининг миқдорий кўрсаткичлари (чегаралари) -Қарз олувчининг кредит олиш қобилиятини баҳолаш стандартлари -Кредитларни баҳолаш стандарти -фоиз стафкаси -Кредитнинг қайтишини таъминлаш усуллари -Жараёнларнинг боришини назорат қилиш ва беришга тайёрлаш
Кредитни расмийлаштириш	-Хужжат шакллари -Кредит беришнинг техник (технологтк) жараёнлари -Кредитни тўғри расмийлаштириш назорати
Кредитни бошқариш	-Кредит портфелини бошқариш тартиби -Кредит шартномаси бажарилишини назорат қилиш -Муддати ўтган кредитларни кечиктириш ёки янгилаш шартлари -Қарзларни (зарарни) қоплаш тартиби -Кредитларни бошқариш назорати

Юқоридаги чизмадан кўришимиз мумкинки тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида кредит сиёсати элементларига эътибор қаратадилар, чунки бу элементлар банкнинг

¹⁶ Тоймухамедов,И,Р, “Банк иши”ўқув қўлланма.ТДИУ.2005

кредитлаш амалиётида муҳим ўрин тутади. Масалан келгуси қарз олувчининг тури элементи биз юқоридаги бобларда тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатида кредитлар қайси соҳаларга йўналтирилишини белгилаб қўйишлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Барча тижорат банклари ўзларининг асосий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда кредитлар қайси соҳаларга йўналтирилишини ўз кредит сиёсатларида белгилаб қўядилар ва ушбу соҳа вакиллари келгуси қарз олувчилапр ҳисобланади. Яна бирн элементлардан бири бу кредит турларидир банклар кредит сиёсатида мижозларга кредит хизматларининг қайси турлари кўрсатилиши улар қандай шартлар асосида берилиши ҳақидаги кўрсатмаларни келтириб ўтадилар.

Кредитлаш амалиётида энг муҳим элементлардан бири бу албатта қарз олувчининг кредит олиш қобилиятини баҳолаш стандартидир бу жараёнда мижознинг молиявий ахволи қай даражада эканлиги дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар ўртасидаги фарқлар мутаносиблик, асосий иш фаолияти ва бошқа кўрсаткичлари белгиланган тартибда баҳоланиши лозим.

Мижознинг кредит олишга бўлган қобилиятини баҳолаш мижоз жойлашган маҳаллий солиқ органлари томонидан тасдиқланган баланс маълумотлари асосида амалга оширилади. Ушбу жараёнда мижознинг ликвидлилик коэффиценти қоплаш коэффиценти ва афтономлик коэффиценти қай даражада эканлиги таҳлил қилиниб мижозга кредит ажратиш бўйича ижобий ёки салбий қарор қабул қилинади. Шу ўринда яна бир элементни айтиб ўтиш лозим бу фоиз стафкаси элементидир 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон республикасининг “банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 28 моддасида банклар банк операциялари бўйича фоиз стафкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини банклар томонидан мустақил белгиланади деб такидлаб ўтилган. Бундан маълумки банклар ўз операциялари бўйича фоиз стафкаларини мижоз билан тузилган шартномага асосан белгилайди. Кредит сиёсати элементларидан яна бири бу кредит бериш техникасидир тижорат банклари томонидан кредитлар мижозларга кредит линиясини очиб кредитлаш ёки

кредит линиясини очмасдан кредитлаш асосида берилади. Мавсумий характерга эга бўлган ҳамда давлат эҳтиёжи учун етиштириладиган ўсимликларни кредитлашда айнан кредит линиясини очиб кредитлаш техникасидан фойдаланилади. Бунда кредитлар барча агротехник тадбирларни инобатга олган ҳолда миқдорлар ҳисобрақамларига белгиланган тартибда ўтказиб берилади. Кредит линиясини очмасдан кредитлашда эса бир вақтнинг ўзида миқдор ҳисобрақамига кредит шартномасида белгиланган сумма ўтказиб берилади. Шу ва бошқа юқоридаги қизмада номлари келтирилган элементлардан фойдаланган ҳолда кредит сиёсатига маълум бир ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади, чунки юқорида айтганимиздек бу элементлар банкларнинг кредитлаш амалиётида муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Биз юқорида тижорат банкларининг кредит сиёсатига таъсир қилувчи омиллар ҳақида айтиб ўтдик. Ушбу омиллар кредит портфелига ҳам бевосита таъсир қилиши мумкин чунки кредит сиёсати асосан банклар томонидан миқдорларга кредитлар ажратилади ва бунинг натижасида кредит портфели шаклланади. Кредит портфелининг сифат даражасини яхшилаш учун банк томонидан доимий равишда берилган кредитлар бўйича мониторинг ўтказиб турилиши лозим бунинг натижасида кредитлар мақсадли сарфланиб улар бўйича банкка тўланиши лозим бўлган фоизлар ва асосий қарздорлик ўз вақтида қайтарилади натижада, кредит портфели таркибида муддати ўтган ҳамда муоммога айланаётган кредитлар ҳажми қисқариб банкнинг рентабеллик даражаси ошишига ёрдам беради.

Тижорат банклари ўзларининг кредит операциялари рискинни камайтириш ҳамда ушбу операциялардан келиши мумкин бўлган даромадлар ҳажмини ошириш мақсадида ўзларининг кредит портфелини диверсификация қиладилар

Кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш учун кредитлар тўплануви устидан назоратни таъминлаб туриш зарур.

Кредитлар тўплануви қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- а) бир карз олувчи;
- б) ўзаро боғлиқ карз олувчилар гуруҳи;
- в) бир иктисодиёт тармоғига боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи карз олувчилар ёки бир тоифадаги кредитлар тўплануви.

Тижорат банкларида активларни таснифлаш тизими барча турдаги кредитлар, жумладан, банк кафолатлари, кредит линиялари, банклараро кредитлар, овердрафтлар учун қўлланилади ва балансдан ташқари мажбуриятларни таснифлашни кўзда тутди.

Мазкур тизим бошқа банк активлари, жумладан, инвестициялар, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, олишга доир ҳисобварақлар, учинчи шахслар номидан мажбуриятларни бажариш бўйича сотиб олинган талаб қилиш ҳуқуқи ва қайтарилмаслик хатари мавжуд бўлган бошқа активларни баҳолашда ҳам қўлланилиши мумкин. Тижорат банкларининг кредит сиёсати ва кредит портфелига таъсир қилувчи омилларнинг қисқача мазмуни шулардан иборат.

2.боб бўйича хулоса

Мазкур бобда ОАТ “Агробанк”нинг кредит сиёсати ва ушбу кредит сиёсатига асосан банк томонидан мижозларга ажратилган кредитлар таркиби билан танишдим. ОАТ “Агробанк”нинг кредит сиёсатида танланган устувор йўналишларга мувофиқ кредитлар иктисодиётнинг тармоқ белгилари бўйича қуйидаги соҳаларга йўналтирилади:

- Қайта ишлаш саноати (пахта пилла қоракўл мева-сабзавот маҳсулотлари ва хоказолар);
- Қишлоқ хўжалигига ;
- Тижорат фаолиятига
- Таълим кредити ;
- Қишлоқ хўжалигининг моддий техник таъминотиغا;
- Капитал қўйилмаларини молиялаштиришга;
- Кичик бизнес субъектлари ва Бошқа соҳаларга.

Хозирги кунда ОАТ “Агробанк” томонидант иқтисодиётни етакчи тармоқларини кредитлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.Хисобот йилида банк томонидан ўтган йилларга нисбатан ушбу тармоқларга кредит ажратиш кўлами сезиларли даражада ортган,бунини биз банк томонидан тақдим қилинган маълумотлардан кўриб ўтдик.Албатта ажратилган барча кредитлар банк томонидан иқтисодиётнинг амалдаги ҳолати ва кредитлаш жараёнига таъсир этувчи омилларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган кредит сиёсатиға асосан ажратилган.Кредитларнинг йиллик ўсиш динамикаси ва миждозларға хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайиши ва бунинг натижасида банкнинг кредит операцияси бўйича даромадини ошиши билан бир қаторда иқтисодиётни ривожлантириш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда банкнинг кредит сиёсатиға яхши баҳо бериш мумкин.Хусусан банк томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” соҳасиға ажратилган кредитлар туфайли мазкур тармоқ ривожланиши билан бир қаторда аҳолининг бандлилик даражаси ортди.Республикамизнинг турли минтақаларида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилди,натижада махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, мамлакатимиз бозорларида турли-туман кенг аццартиментли махсулотлар ҳажми ортди.

Банкнинг хисобот йилида иқтисодиётни ривожлантириш жумладан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш учун амалга оширган ишларини юқории баҳолаш мумкин.Хозирда ОАТ “Агробанк” мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчм энг йирик банк бўлиб соҳа вакилларининг ишончли ҳамкори сифатида фаъолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда ОАТ “Агробанк”нинг кредитлаш амалиёти ва кредит портфели таркибига ижобий ҳулоса бериш мумкин.

III Боб. Тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш унинг муаммолари ва бартараф этиш йўллари.

3.1 Тижорат банклари кредит портфелини соғломлаштириш орқали банклар даромадини оширишда хориж тажрибаси.

Амалиётдан маълумки ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар қайтариш чоралари изланмаса ва тезлик билан чора тадбирлар кўрилмаса у ҳолда шубҳали ва умидсиз кредитлар тоифасига мансуб бўлган кредитларнинг хажми ошиб бораверади. Бунинг натижасида банкнинг устав капиталига, депозитга олинган маблағлар омонатчиларга, мижозларга, катта зарар етказди ва банк ўз мажбуриятларини бажараолмасдан банкротлик даражасига бориб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун банк ходимлари томонидан кредитларни ўз вақтида назоратини олиб бориш зарур. Банкнинг кредит бўлимига тегишли мониторингни узлуксиз равишда олиб бориш керак. Кредит портфелида ҳар бир кредит бўйича ўз вақтида назорат ва назорат натижасида муоммоли кредитларни қайтариш ёки консултатив кўринишдаги ишлари олиб борилса ўйлаймизки кредит портфели рискка тортилмайди. Кредитлар муоммоли кредитларга айланмасдан уларни таъминоти гаровга олинган мулкни сотувга қўйиш ёки кредитни кафолатлаган шахслардан ўз мажбуриятлари устидан чиқишларини талаб этишлари керак деб ўйлиймиз. Ушбу фикрларимизни янада амалиётга яқинлигини кўрсатиш учун тахлилий таққослаш услубидан фойдаланиб, объект сифатида Америка Қўшма Штатлари амалиётидан мисол келтирсак.

Аввал таъкидлаганимиздек, захиралар активларни таснифлаш асосида олиб борилади. Яъни, биринчи галда активлар таркибига эътибор бериш керак. Масалан, Америка Қўшма Штатларида 1938 йилда назорат органлари томонидан активларни таснифлаш борасида тартиб қабул қилинди ҳамда мазкур тартиб бугунги кунга қадар амал қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари банк тизимида активларни таснифлаш тартибига кўра активлар 4 та синфга ажратилади. Жумладан:

1. Стандарт активлар. Улар буйича умумий захира камида 2 фоиз ажратилади.
2. Субстандарт активлар. Бундай активлар таркибига қайтиши кафолатланмаган, яъни муаммога эга бўлган активлар киради. Улар учун 20 фоиз ажратма қилинади.
3. Шубхали активлар. Булар айрим зарар келтирувчи активлар бўлиб лекин уларни аниқ хажмини хали аниқлаш имкони бўлмайди. Улар учун 50 фоиз ажратма қилинади.
4. Умидсиз активлар. Бундай активларга қайтарилмаслиги аниқ бўлган ва хаётий қобилиятга эга бўлмаган активлар киради. Улар учун 100 фоиз ажратма қилинади. Шунини қайд этиш лозимки, кўпчилик ривожланган давлатларда яхши ва стандарт тоифалар битта бўлиб, унга мансуб кредитлар учун энг камида 2 фоиз миқдорида ажратма қилиш амалиёти мавжуд. Лекин, ушбу ажратманинг бизнинг банкларимиз учун жорий қилинмаслигини асосий сабаби шундаки, "Агробанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Миллийбанк" ва бошқа Республикамиздаги йирик банкларда мазкур гуруҳга мансуб кредитлар салмоғи жуда катта миқдорни ташкил этади. Ушбу кредитлар таркибининг аксарияти ҳукуматимиз кафолати асосида берилган кредитлар ҳисобланади. Агар биз мазкур тоифадаги кредитлар учун энг камида 2 фоиз атрофида захира ташкил қилишни жорий этадиган бўлсак, бу ажратма миқдори жуда катта миқдорни ташкил қилиши аниқдир.

Харакатдаги тартибларга асосан бевосита банкнинг харажатларига олиб борилади. Бу эса, тижорат банклари молиявий ахволига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Кредит рискинини бошқаришга тегишли бўлган пруденциал меъёрларга тўхталадиган бўлсак, Базель қўмитасининг 7-тамойилида таъкидлаб ўтилганидек, кредит бериш ва инвестиция қилиш ҳар бир банкда банк кенгаши томонидан қабул қилинган пруденциал андозалар асосида объектив ва оқилона усул билан амалга оширилиши лозим. Базель тамойилининг ушбу ҳолати "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган бўлиб, бунда Республика банкларининг

кредитлаш амалиётларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда мустақил эканлиги кўрсатилган. Европа Иттифокининг амалдаги банк амалиёти билан мос келтириш мақсадида Марказий банк бир қарздорга максимал риск даражаси ҳажми меъёрини биринчи даражали капиталга нисбатан 25 - фоиз қилиб белгилаган, барча йирик кредитлар учун биринчи даражали капиталга нисбатан 8 барабар миқдорида максимал риск даражасини белгилаб берди. Бундан ташқари, кредит рискин аниқроқ ҳисобини юритиш ва уларни самарали бошқариш мақсадида бир қарздор тушунчаси "Ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи"-ягона риск омили билан бирлашган алоҳида қарздорлар тушунчаси билан тўлдирилган эди.

Марказий банкнинг тегишли низомларида ўзаро алоқадор қарздорларни белгиловчи аниқ мезонлар берилган бўлиб, уларга нисбатан ҳам бир қарздорга ўрнатилган меъёрий талаблар қўйилган. Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу низомда келтирилган максимал риск меъёри ва ягона риск омилини белгилаб беришга қаратилган мезонларни аниқланиши, Базель қўмитасининг рисклар концепция чегарасига нисбатан белгилаган талабларига тўлиқ мос келтирилган. Ўрнатилган талаблар концентрациялаш ва йирик кредитларни тўпланишини чегаралашга ёрдам беради ҳамда шу орқали банкнинг омонатчилари ва кредиторларининг қўйилмаларини нисбатан катта миқдордаги ҳар хил фаолият билан шуғулланувчи шахслар ўртасида диверсификациялаш орқали химояланишини таъминлайди. Ушбу ҳужжат Базель қўмитаси томонидан алоҳида аҳамият берадиган, яъни Марказий банк билан қарздор ўртасида алоқа мавжудлиги ҳақида ўз фикрини билдириш имконини беради. Бу ваколатлар банк ва у билан алоқадор томонлар мавжуд алоқаларни яширишга ҳаракат қилишганда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур риск омилларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда банк фаолиятини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини камайтириш мақсадида Марказий банк томонидан биринчи даражали регулятив капиталнинг 15 фоизидан ошмаган ҳолда алоқадор шахсга кредит бўйича максимал риск жами шу шахсларга берилган кредитлар йиғиндиси биринчи даражали

регулятив капиталнинг 100 фоизидан ошмаган холда белгиланган. Бундан ташқари Базел қўмитасининг 10-тамоили талабларига тўлиқ мос келиши мақсадида банкка алоқадор шахслар билан амалиёт ўтказиш тартиби, ҳисоб шакиллари ва бундай амалиёт бўйича маълумотларни банклар томонидан тақдим этиш тартиби мукаммаллаштирилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики Республикаимизнинг қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаган. Кредитларнинг 40 фоиздан ортиқ қисмини қишлоқ хўжалик тармоқларига мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўйилган. Бу эса, кредит рисқи муаммосини кескинлаштиришига олиб келади. Бунинг боиси шундаки, банк кредитларининг асосий қисми жойлаштирилган тармоқда фойда нормасининг пасайиши муддати ўтган кредитлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади. Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг таснифланган кредитлар сифатини оширишнинг асосий йуналишлари қуйидагилардан иборат;


- Кредит хатари даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- Кредитларни рисқ гуруҳлари бўйича таснифлаш;
- Кредит портфелини кредит рисқи, мижозлар таркиби ва кредитлаш шакллари бўйича мақбуллаштириш;
- Кредит олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини кредит рисқини прогнозлаш мақсадида ўзгартириш имкониятларини аниқлаш;
- Муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш;
- Яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни тўғри ташкил этиш;
- Кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг даромадлилигини таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни ҳал қилиниши банк раҳбариятидан "Кредит меморандуми"ни ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини

ривожлантириш асосан банк фаолиятининг ўзига, яъни ички омилларига боғлиқ. Айни вақтда, ташқи омилларнинг таъсири ҳам назардан четда қолмаслиги лозим, чунки 33 фоиз сезиларли даражада юқори кўрсаткич ҳисобланади. Айниқса, булғуси миқдорнинг кредитор қарздорлигини чуқур таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун дебитор қарздорлик коэффицентини динамикасини, ўртача тармоқ кўрсаткичига нисбатан даражасини ўрганиш лозим. Айрим тармоқ қорхоналарида дебитор қарздорлик суммасини кескин ўсиши натижасида уларнинг кредитор қарздорлиги ўсиши мумкин. Ёки инфляция таъсирида ҳам ашё ва материаллар баҳосининг ўсиши кредитор қарздорликнинг ўсишини белгиловчи асосий омил бўлиши мумкин. Биламизки ҳозирда мамлакатимизда фаъолият юритувчи барча тижорат банкларида кредит портфелига салбий таъсир қилувчи омилларни ўрганиш уларнинг бартараф этиш бўйича илмий ва амалий изланишлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда, бу борада барча тижорат банкларида зарурий чоралар ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ қилинди.

Мамлакатимизда молия банк тизимида берилаётган эътибор натижасида бир нечта банкланинг капиталлашув даражаси ортиб, уларнинг иқтисодийётга ажратаётган кредитлари ҳажми ҳам кескин ортиб бормоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки ҳозирда тижорат банклари фаъолияти шиддат билан ривожланиб бораётган бир шароитда, банк тизимининг ривожланишига салбий таъсир қилувчи омиллар ҳам мавжуд. Биз мавзу нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ушбу омилларни банкларнинг кредитлаш амалиётига боғлиқ бўлганларини таҳлил қилиш ва уларнинг ичида банк кредит портфелини самарали бошқаришга бошқаларга нисбатан шиддатлироқ салбий таъсир қилувчиларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бир сўз билан айтганда ҳозирги кунда Республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида учраётган, кредит рискин ва кредит портфелини самарали бошқаришга салбий таъсир қилувчи асосий муоммолар, бизнинг назаримизда қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин. Буни биз навбатдаги 7-расмда келтириб ўтаемиз.

**Тижорат баикларининг кредитлаш амалиётида учраётган ва кредит
рискени бошқаришдаги асосий муаммолар, бизнинг назаримизда,
қуйидагилардан иборат¹⁷.□**



Ўйлиймизки юқорида келтирилган муаммолар бартараф этилса тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришдаги айрим камчиликлар ва салбий ҳолатларни олдини олиш бўйича самарали натижага эришиш мумкин. Бунинг натижасида эса тижорат банкларининг кредит портфели ва ундаги кредитлар ҳажми йилдан йилга ошиб бораверади натижада хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар миқдори

¹⁷ Биржа экспресс Газетасида келтирилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ошиб иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига олиб келади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган бази бир иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиш ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш борасида мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларга ўз эътиборини қаратган мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасидаги маърузасида “Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб уларнинг соғломлаштириш борасидаги қўллаган ноаънанавий ёндошувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин. Ҳозирги вақтда банкларга берилган 164 банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди 110 корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жихозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Фурсатдан фойдаланиб бу вазифаларни бажаришга ўз хиссасини қўшган барча банк раҳбарлари мутахассис ва хизматчиларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман” дея эътироф этиб ўтдилар¹⁸.

Тижорат банкларининг кредит портфелини соғломлаштириш ва бунинг натижасида банклар даромадини ошириш кредит портфелини самарали бошқаришда юзага келаётган бази муаммоларни ҳал қилишдан бошланади. Чунки кредит портфелини самарали бошқариш учун унинг таркибида муддати ўтган ва банкка қайтиш эҳтимоли паст бўлган кредитлар бўлмаслиги ёки уларнинг сонини имкон қадар камайтириш лозим. Бунинг учун албатта тижорат банклари кредит портфелини самарали бошқаришни замонавий тизимини ишлаб чиқиш ва амалдагиларини такомиллаштириш лозим. Навбатдаги (3,2 режа) режамизда шу ҳақида сўз юритамиз.

¹⁸ И.А.Каримов. 2012 йил “Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи”. 20.02.2012.

3.2. Тижорат банклари кредит портфелини самарали бошқаришни такомиллаштириш йўллари.

Тижорат банкларининг даромадларини ташкил этувчи кредитларнинг шакиллари таркиби ва хусусиятларини чуқур ўрганиш айниқса жахон молиявий иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари фонида муҳим аҳамият касб қилмоқда. Хозирги давр иқтисодий муҳитга хос бўлган хатарлилик ва ноаниқлик шароитида банкларда кредитлаш бўйича турли вазиятлар ва ҳолатларда юзага келадиган муаммоли кредитлар масаласи мавжудлиги ва улар таъсири юқори эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам тижорат банклар тизимини ислох қилишга оид деярли барча расмий ҳужжатларда мазкур муаммонинг ечимини топишга катта эътибор берилмоқда. Бу масалани ҳал қилишда биринчи навбатда муаммоли кредитлар моҳияти, хусусиятларини ҳозирги замон бозор иқтисодиёти субъектларига хос бўлган хатарлилик ва ноаниқлик табиати билан боғлиқликда таҳлил қилиш ва уларни бошқариш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Маълумки ҳар қандай кредитлаштириш фаолияти банкнинг ўзига, миждозига боғлиқ ва улар иккаласига ҳам боғлиқ бўлмаган хатарлар мавжудлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам бундай ички ва ташқи, объектив ва субъектив кредит хатарларни олдиндан кўра билиш ва улар оқибатларини тахминлаш ва салбий таъсирини кескин камайитириш тижорат банклари фаолиятини самарали бошқаришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. “Кредит хатари”, “муаммоли кредит” тушунчаларини кенг маънода банкнинг мос тадбиркорлик фаолияти соҳалари бўйича ҳисобланган кредит ресурсларидан самарали фойдаланишга нисбатан олинмаган даромад ёки молиявий ресурсларини маълум даражада реал йўқотиш эҳтимоли сифатида қараш мумкин. Таъкидлаш лозимки, кредит хатари ва муаммоли кредит яқин тушунчалар бўлса ҳам, бир мазмундаги тушунча деб қараш тўғри бўлмайди. “Кредит хатари” тушунчаси “муаммоли кредит”га нисбатан кенг маънода бўлиб, у кредитлаш тамойилларига амал қилмаслик, кредитлаш

жараёнини ташкил қилишда банк ўзи томонидан ҳисобга олинмаган вазиятлар сабабли юзага келадиган хатардир. “Муаммоли кредитлар” деганда эса кредитлаш жараёнида кредит хатарлари юзага келтирадиган ва қайтарилишига банк томонидан шубҳа туғиладиган кредитлар тушунилади. Умуман, муаммоли кредитлар кредит хатарларини банк томонидан тўли изчил ҳисобга олмаслик ва уларни бошқаришдаги хато ва камчилик натижаси деган қараш мавжуд. Албатта, бу тушунчага берилган умумлаштирилган таъриф бўлиб, у ўз навбатида муаммоли кредитларни маълум бир асосий белгилар бўйича тўлиқ ва асосли таснифлашга хизмат қилади. Муаммоли кредитларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаладиган асосий белгиларни аниқлаш ва улар асосида таснифлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу таснифлаш белгилари сифатида эса, ички ва ташқи омиллар, объектив ва субъектив сабаблар, кредит муддати, сифати, таъминоти, ресурс манбаси ва кредит берувчи субъекти, шунингдек инвестициянинг инновация йўналиши ва бошқа бир қатор муҳим белгиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Кредит олувчи ва кредит берувчилар фаолиятлари маълум даражада хатарлилик ва ноаниқлик билан боғлиқ бўлганлиги сабабли кредитлаш босқичларида улар кредит хатаридан мустасно бўлмайди. Кўпинча бу босқичлардаги кредит хатарларининг ҳар доим бўлиши банк томонидан дастлаб ишончли деб ҳисобланган кредитларнинг ҳам муаммоли кредитлар қаторига ўтиб кетиши амалда кўп кузатилади. Кредитлашнинг ҳар бир босқичига хос бўлган муаммоли кредитлар турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларининг пайдо бўлишини юқорида келтирилган белгилар бўйича таҳлил қилиш, фикримизча, муаммоли кредитларни таснифлаш ва бошқаришнинг асоси ҳисобланади. Таснифлаш белгилари ичида муаммоли кредитларни, аввалам бор ички ва ташқи омилларга асосан гуруҳлаш бошқа белгилар бўйича гуруҳлашни енгиллаштиради, таснифнинг тўлиқ ва мукамал бўлишини таъминлайди. Энг муҳими, бу белгилар омиллар кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва улар асосида муаммоли кредитлар ечимининг топишнинг

**Муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабаблари бўйича
таснифланиши¹⁹.**

Муаммоли кредитлар уларнинг юзага келиш сабаблари бўйича Таснифлаш		
№	Муаммоли кредитлар уларнинг юзага келиш сабаблари (омиллари)	Муаммоли кредитга таъсир қиладиган омил хусусиятлари
1	Банк менежменти малакаси ва савияси билан боғлиқ сабаблар	Тижорат банкида ишлайдиган менежерлар
2	Кредит шакли моҳияти билан бевосита боғлиқ сабаблар	Кредитнинг шакли ўзига хос хусусиятлари аҳамияти ва қўлланиш имкониятлари ҳажми
3	Кредитор фаолияти тури ва молиявий ҳолати билан боғлиқ сабаблар	Қайси соҳага талуклилиги мутахассислар молия ва моддий техника ахборот ликвидлик ва бошқа ресурслар билан таъминланганлиги
4	Кредитни кафолатлаш суғурталаш хизматлари каби кредит инфратузилмалари фаолияти билан боғлиқ сабаблар.	Бизнес режа асослилиги миждоў махсулотини сотиш бозорининг реал баҳоланиши ахборот таҳлили махсулотнинг сертификатланиши патентланиши лицензияланиши ва бошқалар
5	Кредитларни бериш уларни фойдаланиш ва белгиланган мажбуриятларни ўз муддатида бажариш билан боғлиқ сабаблар	Тижорат банклари кредит ташкилотлари кредиторлар молиявий ҳолати ва шарт шaroитлари
6	Кредитор фирма менежменти сифати билан боғлиқ сабаблар	Кредитор ташкилотлар фирмалар менежерлари мутахассислари билим даражалари ва малакалари
7	Кредиторлар хўжалик фаолияти шакли иқтисодий ҳолати билан боғлиқ сабаблар	Қайси соҳага таълуқлилиги мулкчилик шакли мутахассислар молиявий моддий техника ва бошқа ресурслар билан таъминланганлиги ҳамда банкротлик ёки ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариш ҳолатидан кафолатланганлиги даражаси
8	Мижоз фаолияти ҳолати бўйича тўлиқ ва ҳолис ахборот етишмаслиги билан боғлиқ сабаблар	Мижоз махсулотининг шу турдаги махсулотлар билан рақобатбардошлиги ички ва ташқи бозор ҳажми ва эҳтиёжи мамлакат иқтисодий барқарорлиги қонунчиликдаги ўзгаришлар кутилмаган (Форс-мажор) ҳолатлар ва бошқалар

¹⁹ Бозор пул ва кредит 09 (172) 2011 йил

самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Муаммоли кредитлар масаласига бундай тизимли ёндашув шундай кредитларнинг пайдо бўлишининг ва улар оқибатлари туфайли юзага келадиган ташқи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, инвестиция, инновация ва ҳатто форс-мажор ҳолатлари олдини олишни таъминлайди, вазиятни тўғри баҳолашга ёрдам беради. Ҳозирги даврда банкларда муаммоли кредитлар кўпайишининг асосий сабабларидан бири инвестицияларнинг инновация йўналишидаги турларининг хилма-хиллиги ва ҳажмининг ошишидир. Шунинг учун ҳам инвестиция ва инновация йўналишининг белгилари бўйича таснифлаш, улар табиати билан боғлиқ хусусиятларни таҳлил қилиш асосида гуруҳлаш бундай муаммоли кредитларни таснифлаш мукамаллигини оширади ва улар асосида гуруҳлаштирилган кўрсаткичлар эса бу масалалар ечими бўйича аниқ ва самарали чора-тадбирлар тизимини яратишга хизмат қилади. Умуман, инновациянинг ҳатарлилиги ва уни кредитлаш ҳатарининг юқорилиги даражаларини эътиборга олиб, бу йўналишдаги кредитларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, банк ва миқдор учун катта муаммолар бўлиши сабабли уларни мақсадга мувофиқ ва номувофиқ бўлган йўналишлар, шунингдек локал ёки доимий ва географик ҳудудий ёки иқтисодий субъект белгилари бўйича юзага келадиган муаммоли кредитларга ажратиш асосида ҳам таснифлаш лозим бўлади. Шунингдек, инновация йўналишининг инвестиция йўналиши билан боғлиқлигини ва унинг кейингидан ҳам кўпроқ ҳатарга ўта мойиллигини ҳисобга олиб, имкони борича бу йўналишдаги муаммоли кредитлар турларига кенг ва чуқур аниқлик киритиш керак бўлади. Масалан бу йўналишдаги ҳатарлар билан боғлиқ капитал, селектив, фойиз, ликвидлик, инфляция ва бошқа ҳатарлар омилларини, инновация маҳсулотларини яратиш ва улар бозорлари билан боғлиқ капитал харажатларининг кескин ошишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлади. Шу билан бирга, муаммоли кредитларнинг келиб чиқиши ва табиатининг таҳлилида банкка (миқдор молиявий аҳоли, обрўи, гарови ҳатарини тўғри баҳолаш ва

бошқа объектив ва субъектив сабаблар) ва миждозга (унинг бошқарувидаги, маркетингидаги, ички назоратидаги, махсулот сифатидаги нуқсон ва камчиликлари дебиторлик қарзлари ўсиши ва бошқалар) шунингдек

9-Расм

Муаммоли кредитларни ички ва ташқи омиллар бўйича таснифланиши²⁰

Ички омиллар билан боғлиқ муаммоли кредитлар (Тижорат банкларининг асосий фаолиятига ва миждозга таъсир қиладиган кўрсаткичлар ва шарт шароитлар)



1	Тижорат банкларининг ҳолати ва хусусиятлари
2	Тижорат банкларининг молиявий маблағлари ва капиталлашув даражаси
3	Кредитнинг муаммоли кредитга айланишининг олдини олиш суғурта қилиш
4	Кредитни режалаштиришда камчиликлар ва кредит бозорининг реал ҳолатини ҳисобга олмаслик
5	Тижорат банклари кредитини қайта ташкил қилиш ва ривожланиши хусусиятлари
6	Тўлиқ ахборот билан таъминланишдаги камчиликлар
7	Тижорат банклари персонали таркиби ва уларнинг малакаси даражаси
8	Тижорат банки бошқарувининг такомиллашмаганлиги
№	Ташқи омиллар билан боғлиқ муаммоли кредитлар
1	Жаҳон молиявий-иқтисодий ёки банк тизими таркиби таъсири
2	Мамлакат иқтисодиёти ҳолати
3	Қонунчилик таъсири
4	Ижтимоий ва экологик вазият таъсири
5	Кутилмаган (форс-мажор) ҳолатларининг юзага келиши
6	Янги турдаги инновация махсулотлари ишлаб чиқариш учун янги кредит йўналишларининг юзага келиши ва уларнинг таъсири.

²⁰ Бозор пул ва кредит 09 (172) 2011 йил.

банкка ҳам , миждозга ҳам боғлиқ бўлмаган объектив ва субъектив вазиятлар (форс-мажор ҳолати, кутилмаган сиёсий иқтисодий вазият, табиий офат, инқироз) эътиборга олинмаган бўлса, бу жараёнларни бошқаришда давлатнинг махсус назорат органини ташкил этиш ва унинг муаммоли кредитлар масалаларини ҳал қилиш тизимида қатнашуви зарур деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, банклар тизимидаги давлат банкларига тегишли муаммоли кредитлар ҳажмининг ошиб бораётганлиги, бу давлат банкларининг кўпчилик катта инвестиция ва инновация лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган фаолияти, хорижий валюталарда берилган муддати ўтган кредитлар ҳиссаси ошаётганлиги ҳам давлатнинг кредитлаштиришнинг бу жараёнларидаги муаммоларини ҳал қилишда қатнашишини тақозо этади.Шунингдек ҳозирги даврда муаммоли кредитлар масаласини ҳал қилиш учун муаммоли кредитлар билан шуғуллунмаган махсус иқтисослаштирилган агентлик ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир Кейинги даврда кредитларни гаровни, қарзни сотиб олиш, умуман кредитларни реструктуризациялаш муддати ўтиб кетган, ундириш эҳтимоли кескин камайиб кетган муаммоли кредитлар масаласини ҳал қилишнинг ва унинг молиявий оқибатини камайитиришнинг асосий йўлларида деб қаралиши ҳам бундай махсус агентликнинг яратилишини талаб этади.

Шу сабабларга кўра ҳам таснифлашни кўпроқ белгилар асосида тузиш ва улар асосида гуруҳлаш ва тахлилий кўрсаткичларнинг аниқ ва самарали тизимини яратиш, махсус кредит ташкилотлари ҳамда давлат ва кредит бозори органлари асосида бошқарув тизимини шакллантириш муаммоли кредитлар масаласини ўз вақтида ҳал қилишни ва салбий оқибатларини бартараф қилишни таъминлайди деган фикирдамиз.

3.606 бўйича хулоса

Ушбу битирув малакавий ишининг 3-бобини тайёрлаш жараёнида, Америка Қўшма штатларининг банкларида кредитлар қандай таснифланиши

уларга қанча миқдорда захира шакиллантирилиши ҳақида маълумотларга эга бўлдим. Ҳамда ҳозирда тижорат банкларининг кредит портфелини самарали бошқаришда юзага келаётган муаммолар уларнинг бартараф этиш йўллари билан танишдим. Унга кўра ҳозирда тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида юзага келаётган муаммолар қуйидагилардан иборат:

- “Кредит сиёсати” меъёрий ҳужжатларнинг мукамал тарзда ишлаб чиқилмаганлиги;

- Кредит портфелида рисклар бўйича аниқ чекловларни ўрнатилмаганлиги;

- Мижозларнинг кредит тўловигв лаёқатлилигини баҳолаш тизимининг такомиллашмаганлиги;

- Таъминотга қўйилаётган мулкларнинг ортиқча баҳоланиши;

- Кредитларни мақсадли ишлатилмаслик ҳолларининг мавжудлиги;

Юқорида келтирилган боблардан маълумки ҳозирги кунда тижорат банкларининг мијозларга хизмат кўрсатиш кўлами кундан кунга ривожланиб бормоқда, жумладан улар томонидан мијозларга кредит хизматлари кўрсатиш суратларининг юқори даражада ўсиши гапимизни яна бир бор тасдиқлайди. Агарда ушбу юқорида номлари келтирилган камчиликлар ҳал қилинган тақдирда, тижорат банкларининг ҳозирда кундаги кредитлаш амалиётининг ҳажми бундан ҳам ўсишига эришиш мумкин. Чунки ушбу муаммоларни ҳал қилиш орқали, кредит портфели таркибида шубҳали ва умидсиз кредитлар ҳажми кескин камайишига эришиш мумкин. Натижада банкнинг кредит операциялари бўйича олаётган даромади ҳажми кўпаяти ва бу банкнинг капиталлашув даражасини ортишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида банк томонидан ажратиладиган кредитларнинг ресурс базасини кенгайтириши натижасида, юқорида айтганимиздек улар томонидан мијозларни кредит маблағларига бўлган талабини етарли даражада қондиришга олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Мавзуни ўрганиш жараёнида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида кредит сиёсатининг роли қанчалик муҳимлиги, агар кредит сиёсати мавжуд иқтисодий вазиятни ҳамда кредитлаш амалиётида юзага келиши мумкин бўлган рискларни инобатга олинмасдан ишлаб чиқилса ва амалиётга тадбиқ этилса, бу банкнинг молиявий ахволининг ёмонлашуви ва бунинг натижасида нафақат банк тизимининг балки умумий иқтисодиётнинг хаттоки инқироз даражасига олиб келиши мумкин бўлган факторлардан бири эканлиги ҳақида умумий хулосага эга бўлдик.

Ўз вақтида қайтарилмаган кредитларнинг қайтариш чоралари изланмаса ва тезлик билан чора тадбирлар кўрилмаса, у ҳолда шубҳали ва умидсиз кредитлар тоифасига мансуб бўлган кредитларнинг ҳажми ошиб бораверади. Бунинг натижасида банкнинг устав капиталига, депозитга олинган маблағларга, омонатчиларга миқдорларга катта зарар етказилади ва банк ўз мажбуриятларини бажаролмасдан банкротлик даражасига тушиб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун банк ходимлари томонидан берилган кредитлар назоратини ўз вақтида олиб бориш зарур. Кредит портфелидаги ҳар бир кредитлар бўйича ўз вақтида назорат ва назорат натижасида муаммоли кредитларни қайтариш ёки консултиватив кўринишдаги ишлари олиб борилса, ўйлаймизки кредит портфели рискка тортилмайди. Кредит ходимлари кредитлар муаммоли кредитларга айланмасдан уларни таъминоти гаровга олинган мулкни сотувга қўйиш ёки кредитни кафолатлаган шахслардан ўз мажбуриятларини бажаришларини талаб этишлари лозим. Банк томонидан кредит портфелини мунтазам равишда ва аниқ кўрсаткичлар асосида таснифлаб борилиши кредит портфелининг ҳолати яхшиланиши ва банк даромадини ошишига замин яратади. Шу ўринда такидлаб ўтиш лозимки банкларнинг таснифлаган кредитлар сифатини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Кредит хатари даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш.
- Кредитларни риск гуруҳлари бўйича таснифлаш.
- Кредит портфелини кредит rischi, мижозлар таркиби ва кредитлаш шакиллари бўйича мақбуллаштириш.
- Кредит олувчининг кредитга лаёқатлилиги даражасини, кредит riskини прогнозлаш мақсадида ўзгартириш имкониятларини аниқлаш.
- Муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш.
- Яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни тўғри ташкил этиш.
- Кредит қўйилмаларини диверсификация қилиш, уларнинг даромадлилигини таъминлаш,

Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг ҳал қилиниши банк раҳбариятидан. “Кредит меморандуми”ни ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки Ҳозирги кунда тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти ва кредит riskини бошқаришдаги асосий муаммолар, Бизнинг назаримизда қуйидагилардан иборат:

- “Кредит сиёсати” меъёрий ҳужжатининг мукамал тарзда ишлаб чиқилмаганлиги .
- Кредит портфелида riskлар бўйича аниқ чекловларни ўрнатилмаганлиги.
- Мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимининг такомиллашмаганлиги.
- Таъминотга қўйилаётган мулкларнинг ортиқча баҳоланиши.
- Кредитларни мақсадли ишлатилмаслик ҳолларининг мавжудлиги.

ва берилган кредитлар устидан назоратнинг заифлиги деб биламиз. Ўйлаймизки агарда ушбу юқорида келтирилган муаммолар бартараф этилса тижорат банкларининг фаъолиятини янада ривожлантиришга олиб

келиши мумкин. Чунки ушбу муаммолар етарли даражада хал этилса кредит портфели таркибида муаммоли ва муддати ўтган кредитларни хажми бирмунча қисқаришига олиб келади бу эса албатта кредит операциялари натижасида келаётган даромад фоизининг ортишига замин яратади.

Ишни ўрганиш жараёнида қуйидаги таклифларни тижорат банкларининг кредитлаш амалиётига тадбиқ этиш самарали натижа беради деган хулосага келдик.

1. “Кредит сиёсати” меъёрий ҳужжатларнинг мукамал тарзда ишлаб чиқишни такомиллаштириш ва ушбу сиёсатни тўғри амалга оширилиши устидан мунтазам назорат ўрнатиш зарур.

2. Мижознинг кредитга қобиллигини таҳлил қилишни чуқурлаштириш ва кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялаш даражасини ошириш лозим.

3. Кредит таъминотини расмийлаштириш жараёнида ортиқча баҳоланишларни олдини олиш ва берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши устидан доимий мониторинг ўтказиб бориш керак.

4. Учинчи шахс кафиллиги остида кредит бериш жараёнида, кафилнинг молиявий барқарорлигини тўғри таҳлил қилиш ҳамда кафилнинг кредит тарихини ўрганиш жараёнини такомиллаштириш.

5. Кредит портфели таркибидаги муддати ўтган кредитларнинг умидсиз кредитга айланиб улгурмасидан, ушбу кредит бўйича шакиллантирилган таъминотни сотиш, агар кредит учинчи шахс кафиллиги остида берилган бўлса кафилни ўз мажбуриятларини бажариш чораларини кўриш лозим.

Ўйлиймизки агар ушбу таклифлар тижорат банкнинг кредитлаш амалиётига тадбиқ этилса, банкларнинг кредит операциялари бўйича даромадини ошириш ҳамда кредит операцияларининг рисклилиқ даражасини камайтиришга амалий ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т.:“Ўзбекистон” 2010.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик Кодекси.Т.: “Адолат”2010.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни,Т.:“Ўзбекистон” 2010
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни.Т.: “Ўзбекистон” 2010
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Таров тўғрисида”ги қонуни.Т.: “Ўзбекистон”, 2010 .
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахборот алмашинуви тўғрисида”ги қонуни. 2011 йил 11 август.

II Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Республикамиз молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори 26.11.2010 й ПҚ-1438-сон.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига ахоли ва хўжалик субекти бўш пул маблағларини жалб

этишнинг янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 06.04.2009 й ПҚ.1990-сон Қарори.

2.4. “Тижорат банкларининг инвестициявий лоихаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2009 й ПҚ-1166-сонли Қарори.

2.5. ”Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.Тошкент .20.06.2005.

2.6. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.Тошкент .14.06.2005

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари,

3.1. И.А.Каримов. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”.Т.: “Халқ сўзи”20.01.2012.

3.2. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”.Т.: “Ўзбекистон” 2011

3.3. И.А.Каримов, “Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т.: “Ўзбекистон”,2010

3.4 И.А.Каримов.“Мамлакатимизни модернизатция қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир”.Т.: “Ўзбекистон”,2010

3.5 И.А.Каримов. “Асосий вазифамиз –Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. “Халқ сўзи” 30.01.2010

3.6. И.А.Каримов “Ўзбекистон Конституцияси-биз учун демократик тараққиёт йўли ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир”. “Халқ сўзи”.05.12.2009

3.7. И.А.Каримов. “Жахон молиявий - иқтисодий инқирози ,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.Т.: “Ўзбекистон”.2009

IV. Сохага оид меъёрий хужжатлар,

4.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-рақам билан тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсатида қўйиладиган талаблар тўғрисида””ги Низом.

4.2. Очик акциядорлик тижорат “Агробанк”нинг кредит сиёсати 2011

4.3. “Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида” Низом.16.01.2004

V. Асосий адабитётлар.

5.1. Абдуллаева Ш.З.”Банк иши” Т.: “Молия” 2005

5.2. Абдуллаева.Ш.З.Банк рисклари ва кредитлаш . Т.: “Молия” 2003

5.3 Банковское дела. Учебник под ред .проф Г.Г.Коробовой М “Экономистъ” 2008

5.4. Банковское дело: Функции коммерческих банков,международные расчёты,кредиты и инвестиции. Под ред.проф. Г.Н.Белоглазовой ,Л.П. Кроливецкой. С.Пб.”Питер”2008

5.5. Банковское дело.Учебник -2-е издание перераб .И доп.Под.ред.проф О.И.Лаврушина-М “КНОРУС” 2008

- 5.6. Банковское дело: Учебник для студентов вузов, обучающихся по экон. Спец. Под ред .Е.Ф.Жукова, Н.Д.Эркашвили.-М “ЮНИТА –ДАНА Единство” 2009 .
- 5.7. Белоглазова Г .Н. Кроливецкой А. “Банковское дело”.М. Финансы и статистика.2006
- 5.8. Жумаев.Н.Х. Абдурахмонов.О.Қ. Жахон молиявий иқтисодий – инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари .-Т.: “Академнашр” 2010
- 5.9. Қаямов Р.И.Организация и финансирование инвестиций.Учебное пособие.Т.: ТГЭУ.2010
- 5.10. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.Т.: “Ўзбекистон” 2011
- 5.11. Рашидоа.О.Ю. ва бошқалар.Пул,кредит ва банклар.Дарслик. Т.: “Чўлпон” 2011
- 5.12. Тоймухамедов.И.Р. “Банк иши” ўқув қўлланма.ТДИУ.2005 й.

VI .Қўшимча адабиётлар.

- 6.1. Жумаев.Н.Х. Бекемуродов.А.Ш. Гофуров.У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув услубий мажмуа - Тошкент:Иқтисодиёт.2011.

6.2. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов,В.Ғофуров. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизатция қилиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув услубий мажмуа. Т.: Иқтисодиёт.2010

6.3. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов,В.Ғофуров ,Б.К Тухлиева.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жахон молиявий иқтисодий-инкирози,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”номли асарининг ўрганиш бўйича ўқув кўлланма.-Т.: “Иқтисодиёт”.2009

VII.Даврий нашрлар,статистик тўпламлар ва хисоботлар.

7.1 .“Бозор пул ва кредит //№1-12,2011й.№ 1-12,№ 1-04,2012 й.

7.2. Банк ахборотномаси,газетаси 2010 йил № 1-14,2011 йил №1-14,2012 йил № 1-12.

7.2 “Биржа экспресс” // № 6 -12.2011й №1-03,2012 й.

7.3. .Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари.2006-2011.й.й.

7.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хисоботлари. 2007-2011.й й.

7.5. ОАТ “Агробанк”нинг йиллик хисоботлари.2007-2011.й.й.

VIII.Интернет сайтлари.

8.1.[www.travel-lidrary.com.the banker .com](http://www.travel-lidrary.com.the_banker.com).

8.2.[http:// www. Bankofengland.co.uk/markets/foreks/indeks.htm](http://www.Bankofengland.co.uk/markets/foreks/indeks.htm).

8.3.www.cbu.uz.Ўзбекистон республикаси марказий банки сайти,

8.4. www.Agrobank.uz . ОАТ “Агробанк”нинг интернет сайти.

